



Тинчлик ва тотувлик барқарор бўлсин!

Ҳурматли туркистонликлар!
Сизларни 1 май – Қозоғистон халқининг бирдамлик кўни билан чин қалбдан табриклаймиз!
Тарихимизда ўз ўрни бор Билгә ҳоқоннинг “Эл бўлиб бирлашишдан ортқ бахт йўқ” деган қанотли ибораси бор.
Мамлакатни бирдамлик ва тотувлик тараққиёт сари етаклайди.
Давлат Президенти Қасим-Жўмарт Кемелули “Эл бирдамлиги – бизнинг бебаҳо бойлигимиз, давлатчилигимизнинг мустақам асоси” дея, ушбу иборанинг моҳиятига алоҳида тўхталган эди.
Биз жорий йилда Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллигини нишонламоқдамиз.
Ушбу йиллар давомида Ассамблея мамлакатдаги турли этнос ва маданиятлар-

нинг ҳамжиҳатлигини мустақамлашга залворли ҳисса қўшди. Қозоғистон бутун дунёга этнослараро тинчлик ва тотувликнинг ўзгача шаклини жорий этган давлат сифатида эътибор қозонди.
Вилоятимизда бугунги кунда 2 миллион 150 мингдан зиёд одам истиқомат қилади. 50дан зиёд турли этнос вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечирямоқда. Минтақамизда 11та этномаданият бирлашмаси самарали фаолият юритмоқда.
Президент топшириғига кўра, Туркистон шаҳрида янги “Дўстлик уйи” барпо этилди. Минтақавий Ассамблея барқарорлиқни таъминлаш борасидаги давлат сиёсатини самарали олиб бормоқда.
Оғир давларда Туркистон минтақасида кўним топан турли этнос вакиллари авлодлари бугунги кунда туғилган диёрини

ободонлаштириш йўлида меҳнат қилишмоқда.
Қадрли ҳамюртлар!
Халқимиз “Бирлик қайда бўлса, ризқ шу ерда”, деб бежиз айтмаган. Боболаримизнинг ушбу ибратли ҳикмати – Янги Қозоғистоннинг асосий тамойилига айланди.
Миллий бирдамликни асраб-авайлаш – барчамизнинг бурчимиз.
Шодиёна арафасида барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!
Мустақил Қозоғистонимизда тинчлик ва тотувлик барқарор бўлиб, барака ва бирлигимиз ортаверсин!
Нуралхан КҮШЕРОВ,
Вилоят ҳокими.
Нурали АБИШОВ,
Вилоят маслаҳати раиси.

ҚИЁСИ ЙЎҚ ЗАВОД ҚУРИЛМОҚДА

Вилоятимизда қурилиш соҳасини ривожлантириш ва уни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, минтақа иқтисодиётини замонавийлаштириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ижтимоий соҳа иншоотларини бунёд этиш ва уларни кенгайтириш ҳамда янгилашга йўналтирилган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар олиб борилмоқда.
Тулқибош туманида “Састебе инновацион мавжмуаси” заводининг қурилиши бошланди. Қиймати 180 миллиард тенге бўлган завод каустик сода, поливинилхлорид, цемент, оҳак ва кальций карбид ишлаб чиқаради. Туркистон вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров заводнинг қурилиш майдонига ташриф буюриб, сармоядор билан учрашди.
– “Саутс-Ойл” компаниясининг ушбу мажмуаси фойдала-



нишга топширилгач, Қозоғистондаги энг йирик оҳак ишлаб чиқарувчи корхонага айланади. Бу корхона нафақат ички бо-



зорни сифатли маҳсулот билан таъминлаш, балки экспорт салоҳиятимизни сезиларли даражада ошириш имконини беради, – деди Н. Кўшеров.
2026 йилда ишга тушириладиган корхонада йилига 400 минг тонна оҳак, 200 минг тонна кальций карбид, 100 минг тонна каустик сода, 120 минг тонна поливинилхлорид (ПВХ) ва 1

миллион тонна цемент ишлаб чиқариш режалаштирилган. 1000га яқин иш ўрни яратилади.
Лойиҳада экологик тоза, замонавий ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланилади. Ушбу лойиҳа қурилиш, кимё, металлургия каби кўплаб соҳаларга туртки бериши кутилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати маълумотлари асосида.



Қозоғистон жаҳон ОАВларида

Anadolu:
Қозоғистон ва Хорватия ҳамкорлиги чуқурлашишда давом этмоқда

Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Акўрдада Хорватия ташқи ишлар вазири Гордан Грлич-Радманни қабул қилди. Учрашувда Қозоғистон ва Хорватия ўртасидаги ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.
Давлат раҳбари вазирнинг ташрифи Хорватиянинг икки томонлама муносабатларга янги суръат бағишлаш ниятини яққол намоён этишини таъкидлади.
Президент Хорватия компанияларининг Қозоғистон бозорига энергетика, инфратузилма, фармацевтика, озиқ-овқат саноати каби соҳаларга қизиқиши ортиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Айни пайтда Қозоғистонда Хорватия иштирокидаги 30дан зиёд компания, жумладан, “Pliva”, “Podravka” каби машҳур брендлар муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Trend:
Эрондан – Қозоғистонга

2024 йилнинг 20 мартдан 20 декабрга қадар Эрондан Қозоғистонга экспорт қилинган маҳсулотлар тахминан 360 минг тоннани ташкил этиб, 203 миллион долларга етди.
Экспортнинг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат, тамаки, нефть-кимё маҳсулотлари ва бошқа товарлар ташкил этади.
Бу даврда Эрон ва Қозоғистон ўртасидаги умумий товар айланими тахминан 470 минг тоннани, умумий қиймати 244 миллион долларни ташкил этди.
Экспорт ҳажмининг ўсиши икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик кенгаётганидан, Қозоғистон бозорида Эрон маҳсулотларига қизиқиш ортиб бораётганидан далолат беради.

Report:
Қозоғистон ва Афғонистон янги темир йўл қуради

Қозоғистон ва Афғонистон Турғунди – Хирот – Қандаҳор – Спин-Бўлдак темир йўли қурилишида иштирок этади. Бу ҳақда Қозоғистон Ҳукумати матбуот хизматига таяниб, Report агентлигининг Қозоғистон бюроси хабар берди.
Мазкур лойиҳа Қозоғистон учун минтақавий транзит алоқаларини кенгайтириш, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги транспорт-логистика алоқаларини мустақамлаш, Ҳинд океанидаги портларга чиқишни таъминлаш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга.

ТАСС:
Қозоғистонда 677 минг уруш қатнашчиси ҳақидаги маълумотлар эълон қилинди

Қозоғистон Маданият ва ахборот вазирлиги “Қаҳрамонларга эҳтиром” интернет порталида 677 мингдан зиёд Улуғ Ватан уруши фахрийлари ҳақидаги маълумотларни эълон қилди.
“Лойиҳа фашизм устидан ғалаба қозонишда беқиёс ҳисса қўшган қозоғистонликларнинг жасорати ва қаҳрамонлиги хотирасини асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказишга қаратилган. Портал доимий равишда янгилашиб турадиган маълумотлар базасини тавсия қилади. Айни пайтда 677 минг нафардан зиёд фахрийлар ҳақида маълумотлар жамланган. Уларнинг 365 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 4 нафари икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 19 нафари “Шуҳрат” ордени соҳибларидир”, дейилади хабарда.
7 май кўни Қозоғистон пойтахтида Ватан Ҳимоячилари кўни ва Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган ҳарбий намоёиш ўтади. Унда 4000дан зиёд ҳарбий хизматчилар иштирок этади.
Уруш йилларида 1,3 миллиондан ортқ қозоғистонликлар фронтга сафарбар этилган, уларнинг ярми жанг майдонида ҳалок бўлган. 500дан зиёд қозоғистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланган. Қозоғистон Меҳнат ва аҳolini ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, ҳозирда мамлакатда 111 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ва ғалабага ҳисса қўшган 42,5 мингдан зиёд фуқаро истиқомат қилади.

Жаҳон ахборот агентликлари маълумотлари асосида.



● Обуна–2025

Маънавиятнинг муаззам майдони

Мамлакатимиздаги барча матбуот нашрлари қатори “Жанубий Қозоғистон” газетасига ҳам 2025 йилнинг иккинчи ярми учун обуна бошланди.
Обуна ишларининг уюшқоқли ташкил этилиши газетанинг келгусида тўлақонли фаолият юритишига имкон беради. Демак, ҳар бир газетхон суюкли нашрига

обуна бўлиш баробарида уни қўлаб-қувватлаган, эртанги кунига мустақам пойдевор яратган, давлат миқёсида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг жойлардаги ижроси мазмун-моҳиятидан тўлароқ хабардор ҳамда муҳим воқеаларга хайрихоҳ эканлигини амалда намоёиш этган бўлади.

Шунга эришиш керакки, газетамиз вилоятдаги ҳар бир меҳнат жамоаси, таълим ва хунар маскани, нашр шинавандалари хонадонларига етиб борсин.
Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетага обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

2025 йилнинг иккинчи ярми учун “Жанубий Қозоғистон” газетасининг обуна баҳоси ўзгармади: 6 ойга обуна баҳоси: «Қазпошта» ХЖ орқали – 3415,50 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТГАН ТУМАНДА

Вилоят ҳокимининг аҳоли билан навбатдаги учрашуви Тулкибош туманида давом этди. Нуралхан Кўшеров маҳаллий аҳолининг муурожаатларини тинглаб, улар билан аввалги йигилишда кўтарилган муаммоларнинг босқичма-босқич ҳал қилинаётганини таъкидлади.

– Хабарингиз бор, Давлат раҳбари аҳоли билан очиқ мулоқот майдонида учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш юзасидан топшириқлар берган эди. Бугун мен сизлар билан учрашиб, туманнинг долзарб муаммоларини биргаликда муҳокама қилиш учун махсус ташриф буюрдим. Ўтган йили туманнинг тўққизта аҳоли манзилида “Қишлоқ – эл бешиги” дастури доирасида 10та лойиҳа амалга оширилди. 19та кўча таъмирланди. 2024 йилда “Қишлоқ омонати” дастури доирасида 4та лойиҳа молиялаштирилган бўлса, жорий йилда 1,4 миллиард тенгеге 180та лойиҳани молиялаштириш режалаштирилган. Умумий ҳудудий маҳсулот ҳажми 2,4 миллиард тенгедан ошди. Жорий йилда туманга сармоя жалб этиш ишларини 43 миллиард тенгеге етказиш

қаратиш зарур, – деди вилоят раҳбари ва минтақа салоҳиятини ошириш юзасидан мутасадди раҳбарлар зиммасига қатор топшириқлар юклади. Йигилишда туман ҳокими Асқар Естибаев ўтган йили вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот бериб, жорий йилги режаларга тўхталди. Тулкибош туманида жами 36та сайёҳлик иншооти фаолият юритмоқда. Ўтган йили туманга 15500 нафар сайёҳ ташриф буюрди. Бу ерда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, меҳмонхоналар, 21та сайёҳлик худудини ташкил этиш режалаштирилган. 2030 йилгача мазкур йўналишда 14та лойиҳани амалга ошириш, 552та янги иш ўрни яратиш режаланган. Туман корхоналарни ХХI асрга

тенге бўлиб, 8 гектар ер ажратилган ҳамда 200 янги иш ўринлари очилган. Сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган “Амир Мансур” корхонаси лойиҳасининг қиймати 236,0 млн. тенге. Ажратилган ер майдони 1,5 гектар. Корхона тўлиқ ишга туширилган пайтда 200 янги иш ўрини очилади. Газланган, газланмаган сув ишлаб чиқаришга киришган “NutriCorn” биродарлигининг 5440,0 млн. тенгедан иборат лойиҳасининг ҳам келажаги зўр. 150 одамни иш билан таъминлаш имкониятига эга корхона келгусида нафақат Тулкибош тумани, балки, бутун вилоятни сифатли чанқовбости ичимликлар билан таъминлай олади. “Майлыкент сўт” МЧБ “Бизнеснинг йўл харитаси-2025” дастури доирасида имтиёзли насия олиб, корхонани кенгайтирди. Ҳозир бир кеча-кундуз-



режалаштирилган. Шу билан бирга, айрим соҳаларда камчиликлар ҳам аниқланган. Бу борада мутасадди шахслар иш суръатини ошириши керак. Қурилиш соҳасига келсак, Даубаба аҳоли манзилида маданият уйи қурилиб, жорий йилнинг октябр ойида фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари, Қараағашти қишлоғидаги “Дауан” ўрта мактаби учун қўшимча 150 ўринли бино қурилиши давом этмоқда ва келгуси йилда фойдаланишга топширилади. Тулкибош туманини ривожлантириш учун кучларни бирлаштириш муҳим. Бундан кўзланган мақсад вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари иқтисодий юксалишини таъминлаш, сармоя жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришдан иборат. Умуман олганда, табиати бектор Тулкибошда ижобий ўзгаришлар кўп. Худудни сайёҳликка йўналтириш керак. Хусусан, экотуризмни ривожлантиришга устувор аҳамият

мослаштириб, янгилamoқда. Уларда янги рақамли технологиялар қўлланилиб, “Састөбе цемент” заводини замонавийлаштириш тадбирларига 1 млрд. 380 млн. тенгедан зиёд маблағ сарфланди. Шунингдек, “Ақсанат инжиниринг” корхонаси жадаллаштирилган индустриал-инновациявий тараққиёт дастури доирасида балиқчиликни янги технология асосида ривожлантирмоқда. Бугунги кунда Россия, Хитой давлатларига ўз маҳсулотларини тавсия қилмоқда. Бақра балиқлар фермаси йилига 40 минг тонна балиқ, 300 кг қора увилдириқ етштиради. Туманда 30 гектар майдонда индустриал минтақа барпо этилган, ҳозирги кунда у жами қиймати 9 млрд. 39 млн. тенгени ташкил этувчи 6та лойиҳани амалга оширишни режалamoқда. Улардан бири ғаллани қайта ишлайдиган “Еңбекши-2016” биродарлиги. Бу лойиҳанинг қиймати 2 664 млн.

КЕЛАЖАКНИНГ БУНЁДКОРЛИК ТИМСОЛИ

Тўлебий туманида қуввати 1000 МВтга тенг буғ-газ электростанцияси лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа тақдимида “Самұрық-Қазына” миллий фаровонлик жамғармасы” ХҲЖ бошқаруви раиси Алмасадaм Сaтқалиев вa Маятaс қишлоғи аҳолиси иштирок этган эди.

Мазкур лойиҳа мамлакатимизнинг энергетик хавфсизлиги вa миллий энергетика тизимининг, айниқсa, энергия тақчиллиги мавжуд жанубий минтақанинг салоҳиятини оширишга хизмaт қилади. Завoдинг қурилиши қайтa тиклaнадиган энергия мaнбалaрини Қoзoғистон Республицаси энергетика тизимигa интeгрaциялaшуви учун қулай шарт-шaроитлар яратaди. Лойиҳанинг энергия тақчиллигини бaртaрaф этишдaги аҳaмияти ҳам бeкиёс бўлиб, электр таъминoти бoрасидa Ўзбекисoнгa қарaмликкa бaрҳaм берилaди. – Мaмлакатимизнинг иқтисoдий тaрaққиёти, албaттa, электр энергетика захирaларигa бoғлиқ. Ҳар қaндай иқтисoдий ривoжланган давлат мустaқил электр энергетика захирaларигa ҳамдa замoнавий вa инновaцион тeхнологияларгa эгa бўлсaгинa иқтисoдиётдa юксaлиш кузaтилади. Ҳар қaндай иқтисoдийётдa электр энергиясигa ўсиб бoрaётган тaлaбни рaқoбатбaрдoш нaрхлардa қoндириш вa юқoри сaмaрaли энергия ишлaб чиқaриш тeх-

нологияларигa асосланган янги ишлaб чиқaриш қуввaтларини бaрпo этиш, шу билан бир қaтoрдa мaвжуд электр стaнцияларни замoнавийлaштириш вa электр энергиясини ҳисoбгa олиш тизимини тaкoмиллaштириш, қайтa тиклaнадиган энергия мaнбалaридан фойдaлaнишини ривoжлантириш билан электр энергетика захирaларини рaнғ-бaрaнғлaштириш oрқaли юқoри иқтисoдий сaмaрaдорликкa эришилaди. Дaвлaт рaҳбaри Қaсим-Жўмaрт Тўқaевнинг Мaктубидa жанубий ҳудуддa 1000 МВт қуввaтгa эгa янги энергия мaнбалaрини ишгa тушириш зaрурлиги aйтилган эди. Президент тoпшириқлaри ижроси юзасидан вилoятдa муҳим лойиҳaни aмaлгa ошириш учун 1000 МВт қуввaтгa эгa қoбинaт стaнцияси пoйдeвoри қaлaнди. Мaълумки, ҳар йили мaмлакатимиздa электр энергияси тaнқислиги юзaгa кeлaди. Туркисoн вилoятидa энергия тақчиллиги жуда долзарб муaммo. Бунинг учун зaрур электр энергиясининг 80 фoизи тaшқи мaнбалaрдaн oлинaди. Бу мaсaлaни тубдaн ҳал қилиш

учун биз “Сaмұрық-Қазына” жaмғaрмaси билан ҳaмкoрликдa ушбу кoрxoнaни бaрпo этaмиз. Мазкур лойиҳaгa мувoфиқ, вилoятгa 722,8 миллиард тенгe хусусий сaрмoя жалб этилиши кутилмoқдa. Дaвлaт тoмoнидан 600 млрд. тенгe мaблaғ ажратилди. Ушбу мeгa лойиҳa ишгa туширилсa, вилoятдa йирик кoрxoнaлар сoни кўпaйди, тaд-биркoрлик ривoжлaнaди. Янги энергия мaркaзи нaфaқaт минтақaдaги энергия тақчиллиги муaммoсини ҳал қилaди, бaлки янги иш ўринлaри яратиш, ишлaб чиқaришни ривoжлантиришгa ҳам ижoбий туртки бeрaди, – дeди “Буг-газ электростaнцияси Туркисoн” МЧБнинг муҳaндислик хизмaти рaҳбaри Нурлaн Умoров.

Лойиҳанинг aмaлгa оширилиши нaфaқaт Туркисoн минтақaсидa, бaлки бутун рeспубликaдa электр қуввaтини яхшилaш, энергетика бaрқaрoрлигини тaқчиллaш имкoнини бeрaди. Ҳoзир вилoятгa 320 МВт электр қуввaти зaрур. Янги кoрxoнa эсa бундан уч бaрaвaр кўп электр қуввaти ишлaб чиқaрaди. Яъни, вилoят нaфaқaт энергия тақ-

САЙРАМ ТУМАНИДА ЯНГИ КИЧИК ТУМАН БАРПО ЭТИЛАДИ



Янги мавзе Қорасув қишлоғидаги 60 гектар майдонни эгаллайди. Янги шаҳарчада жами 2300га яқин хонадонли 47та кўп қаватли уй қад ростлайди, бу ерда 12 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Қурилиш режаси билан танишган вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров маҳаллий аҳоли билан учрашди.



– Бугун биз Сайрам туманини ривожлантириш бўйича жуда муҳим ташаббуснинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Давлат раҳбари халққа Мақтубида уй-жой масаласига алоҳида тўхталди. Бу вазифа доирасида вилоятимизда аҳолини уй-жой билан таъминлашга қаратилган аниқ лойиҳалар амалга оширилмоқда. Туманда 63 минг нафардан зиёд фуқаро ер участкасига эга бўлиб, 4 минг нафардан зиёди уй-жой навбатида. Бугун Қорасув қишлоғида 57 гектар майдонда янги аҳоли манзилининг қурилиши бошланди. Бу уй-жой тақчиллигини бартараф этиш ва аҳолининг ижтимоий шароитини яхшилашга қаратилган лойиҳадир. Янги кичик туманда кўплаб ижтимоий иншоотлар барпо этилиб, ҳудуднинг тараққиётига хизмат қилади. Аҳоли ҳаёт сифатининг муҳим кўрсаткичи уй-жой ҳисобланади. Эҳтиёжмандларни уй-жой билан таъминлаш, турмушини яхшилаш, жамият салоҳиятини юксалтиришга етакчилик қилиш ҳар бир ҳокимнинг бурчидир. Шундай экан, бунинг учун

бор куч-ғайратимизни ишга солишимиз керак, – деди Нуралхан Кўшеров. Янги кичик туманда маъмурий бино, 600 ўринли янги замонавий мактаб, 280 ўринли болалар боғчаси, кунига 250 кишини қабул қилишга мўлжалланган янги поликлиника, Маданият уйи ва Ёшлар саройи қад ростлайди. Сайрам туманида 4206 нафар фуқаро давлат уй-жой жамғармасидан уй-жойга муҳтож сифатида рўйхатга олинган. Вилоят ҳокими фуқароларни тозалikka риоя қилиш, кўкаламзорлаштиришга ҳисса қўшишга чақирди ва санитария бўлими ходимларига алоҳида миннатдорчилик билдирди. Сайрам туманида маҳаллий бюджетдан 455 миллион тенге маблағ ажратилиб, 20дан зиёд махсус техника харид қилинди. Бунинг учун вилоят бюджетидан 175 миллион тенге ажратилди. “Тоza Қoзoғистон” дастури доирасидaги тизимли ишлар aмaлгa оширилмoқдa. **Вилоят ҳoқимининг мaтбуот хизмaти мaълумoтлaри aсoсидa.**



чиллигидан халос бўлади, балки бошқа минтақаларни ҳам электр билан таъминлай олади. Энергия тақчиллиги бартараф этилиб, вилoятдa йирик кoрxoнaлар очилaди, мaвжудларининг ишлaб чиқaриш суръaти oшaди. Мутaхaссисларнинг фикрчa, электрoстaнция ҳар бири 500 МВт қуввaтгa эгa иккитa буғ-гaз қурилмaли умумий қуввaти 1000 МВт бўлган буғ-гaз электр стaнциясидaн ибoрaт бўлaди. Бу стaнциянинг фойдaли иш кoэф-фицинтини 60 фoизгaчa тaъминлaш, ёқилғи истeъмoлини мaвжуд қуввaтлaргa нисбaтaн қaрийб 2 бaрaвaр кaмaйтириш имкoнини бeрaди. Лойиҳa 2023-2027 йиллaр дaвoмидa aмaлгa oширилaди. Мутaхaссислaр унинг МДХдa қиёси йўқлигини aйтишмoқдa. Янги зaвoд қурилиши “ПГУ Туркисoн” МЧБ тoмoнидaн aмaлгa oширилмoқдa. Мaмлакатимиздa энергетика сoҳaсидa кaдрлaр тaнқис. Шу бoис лойиҳa рaҳбaрлaри Лeнгeр шaҳридaги 8-сонли кoллeж вa “Буг-гaз электрoстaнция-

си Туркисoн” МЧБ ўртaсидa мeмoрaн-дум имзoлaشدи. Кoллeж тaлaбaлaри билан суҳбaт чоғидa тaлaбaлар ёқилғи-энергетикa сoҳaсидa фaолият юритaётган бўлaжaк мутaхaссислaр вa ёшлaр ўртaсидa яқин aлoқaларни йўлгa қўйиш, тaжрибa, фикр aлмaшишгa қaратилган қaтoр тaқлиф вa тaшaббуслaр билан чиқишди. Ушбу тaқлифлaргa мувoфиқ, лойиҳa рaҳбaрлaри ёшлaр фoруми, ижoдкoр вa мaқсaдли ёшларни қўл-лaб-қуввaтлaшгa қaратилган бoшқa тaдбирлaр ўткaзилишини мaълум қил-ишди. – Мaмлакат энергетикa сoҳaсининг тaрaққиёти , сoҳa ёшларининг сaйё-ҳaрaкaтлaри вa муaвфaқиятлaригa ҳам бoғлиқ. Шу хиҳaтдaн бугунги имзoлaнган мeмoрaндум нaфaқaт вилoятдa, бaлки мaмлакатимиздa бaндликини тaъминлaшгa янги суръaт бaғишлaйд-и, – дeди “Буг-гaз электрoстaнцияси Туркисoн” МЧБ кaдрлaр бўлими рaҳ-бaри Мaрaл Тўкeeвa

А. АБДУФАТТОҲ.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Ўз тили, маданияти, санъати, миллий хунармандчилиги, урф-одат ва анъаналарига содиқ бўлган этномаданият бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш Қозоғистон халқи Ассамблеяси зиммасига юклатилган.

20дан зиёд этнос вакиллари истиқомат қилаётган Тўлебей тумани ўзбек этномаданият бирлашмасини Жамол Қодиров бошқармоқда.

У билан суҳбатимиз мана шу мавзуга бағишланди.

– Жамол Ўсмонали ўғли, кейинги йилларда этнослараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бу тадбирларга этномаданият бирлашмалари ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Жорий йилдан эътиборан ўзингиз раҳбарлик қилаётган туман УЭМБнинг фаолияти ҳақида баён этсангиз.

– Халқимизда бағрикенглик, меҳмондўстлик, ўзга халқлар маданияти ва динини ҳурмат қилиш, хушмуомалалик каби ижобий фазилатлар асрлар давомида ҳар томонлама шаклланган. Шу боис, турли урф-одат ва анъаналар бақамти ривож топиб келган. Эътибор берган бўлсангиз, одамларнинг турмуш тарзи, дунёқарashi, фикрлаши, одат ва анъаналари ҳам бир-бирига ўхшаш. Бу ўхшашлик уларнинг алоқаларини янада яқинлаштиради. Ҳар бир халқ вакили бир-бирининг маданиятини ҳурмат қилади. Бир-биридан ўрганиб, ўз маданиятини тараққий эттиришга интилади. Этномаданият бирлашмалари фаолиятини ривожлантириш, уларга амалий ва услубий кўмак бериш, ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одат, анъана, маросим ва тилини асраш, такомиллаштириш, бағри-

бош мақсад сифатида белгиланган этномаданият бирлашмаларини том маънода дўстлик ва бирдамлик қўргони деб аташ мумкин. Унинг очилиши ва тараққий этишида туманимизнинг юзлаб фидойи инсонлари беминнат хизматларини аямади. Булар – А. Қорахўжаев (биринчи раис), А. Сартоев, Ж. Иристов, М. Юсупов, Ш. Тўйчибоев, И. Мирзамуродов, Қ. Хидиров, Э. Одилов, И. Тўйчиев, Т. Гулбоев, Қ. Шодмонов, И. Қўчқоров, Ҳ. Мадалиев, Э. Абдукаримов ва бошқалар. Уларнинг баъзилари бугун бизнинг орамызда йўқ. О. Дўсметов, Ш. Ҳасанов, Б. Нодирбоев, Т. Гулбоев, А. Усмонов ва бошқалар – бирлашма фаоллари, фидойи инсонлар. Санъаткорларимиз ҳам бирлашмадан беминнат хизматларини аямай келишмоқда. Қ. Абдураимов, Й. Қўчқоров. И. Бердибоев, З. Садалиев, К. Эшов ва бошқалар шулар сирасидан. Бирлашмага 2012 йилдан 2024 йил октябргача Ўсмонали Раҳимбой ўғли раислик қилди.

– Президент ўтган йили Ассамблея томонидан барча минтақаларда 15 мингдан зиёд тадбир уюштирилганини таъкидлади. Туман этномаданият бирлашмаси томонидан бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?



кенглик тамойили асносида этнослараро ўзаро ишонч, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик фазилатларини сингдириш каби вазифаларни Қозоғистон халқи Ассамблеяси адо этиб келмоқда. Туманимизда ҳар йили дўстлик анжумани ўтказилади. Турли этнос вакиллари ўзларининг бетакрор мазмунга эга маданиятларини намойиш этадилар. Турфа маданият, ранг-баранг анъаналар дунёқарашимизнинг кенгайиши ва тараққиётига таъсир кўрсатмоқда.

1 март – Шукрона куни муносабати билан «Ғарыш» кинотеатрида байрам тадбири ўтди. Султонработ, Хонариқ, Тоғойна қишлоқларида Наврўз байрами тадбирлари ташкил этилди. Бирлашма «Тоza Қозоғистон» тадбирида фаол иштирок этмоқда. Санъат соҳаси ҳам доимий эътиборимизда, «Тоғойна» мактабида доира синфи ташкил этилди.

– Бирлашманинг тарихига қисқача тўхталсангиз.

– Туманимизда фаолият юритаётган турли этномаданият бирлашмалари билан ҳамкорликда эл бирлиги ва тотувлигини мустаҳкамлаш, ёшларни қозоғистонча ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тадбирларида фаол иштирокини таъминлашни

– «Ассамблея томонидан барча минтақаларда ташкил этилган 15 мингдан зиёд тадбирда 1 миллионга яқин киши иштирок этди. Ўтган йилги баҳорги сув тошқинларида фуқароларимиз жабрланганларга ёрдам қўлини чўзиш орқали ҳамжиҳатликнинг ажойиб намунасини кўрсатди. Ассамблеянинг «Юракдан юракка» лойиҳаси доирасида 12 мингдан ортиқ кўнгиллилар бирлашди. Улар инсонпарварлик ёрдами тўплашди ва вайрон бўлган уйлари тиклашда иштирок этишди», деди Қасим-Жўмарт Тўқаев. Миллий анъаналар, урф-одатлар, маросимларни тиклаш, ёшларга ахлоқий тарбия бериш, уларни барча халқлар маданиятини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ёшларда фуқаролик масъулиятни шакллантириш борасидаги ишларнинг узвий давомийлигини таъминлашда барча қишлоқ этномаданият бирлашмалари кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Жамоат ташкилотининг мақсади – 20 мингдан зиёд ўзбек этноси вакиллари жамоасини ягона чангароқ остида бирлаштириб, миллий урф-одат, анъана, байрам ва маросимларни тиклаш ҳамда турмушга татбиқ этиш, туманда фаолият юритаётган бта турли ЭМБ билан алоқа-

ушбу фазилатлар ҳар биримизга ҳамроҳ бўлсин. Президентимиз Миллий Қурултойда оилавий қадриятлар масаласига алоҳида тўхтади. Дарҳақиқат, ҳар бир оила ўзига хос кичик бир давлат. Оиланинг шароитлари маънавий, моддий даражаси бир-бирига ўхшамайди. Истардимки, турмушнинг ободлигини таъминлашда барча фаол бўлса, оилада отанинг, онанинг, фарзанднинг ўз ўрни, ҳурмати бўлса... Халқнинг бирлиги унинг зиёлиларининг ҳамжиҳатлигида, деди Президент Ассамблея сессиясида. Дарҳақиқат, жамиятимизда таниқли, обрў-эътиборли инсонлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик муҳим аҳамиятга эга. Улар элга ибрат бўлиши керак, халқимизнинг бирлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни тўғри тарбиялашга оид, бунёдкорликка даъват этиш ва шу каби мавзуларни вилоятимизда ўзбек тилида чоп этиладиган ягона ўзбек тилидаги нашр – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетасида кўтаришлари керак, деб ҳисоблайман.

– Қизиқарли ва мазмунли суҳбат учун ташаккур!

А. АБДУФАТТОҲ.

»» Тахририятимиз меҳмони



Тахририятимизнинг навбатдаги меҳмони билан танишинг – Тожибуви Усмон қизи Медетова – Ақмўла вилояти ўзбек этномаданият бирлашмаси раисаси, ишбилармон хотин-қизлар ҳамжамияти аъзоси, Ақмўла вилояти бўйича Қозоғистон халқи Ассамблеяси раиси ўринбосари, “Jomart Jan” ташкилотининг вилоят бўйича раисаси.

Тожибуви Усмон қизи Медетова:

БИЗ — ҚОЗОҒИСТОНЛИКЛАРМИЗ!

Т. Медетова 1958 йили Шимкент вилояти, Ленгер тумани, Султонработ қишлоғида таваллуд топган.

Меҳнат фаолиятини 1977 йили Чимкент шаҳридаги «Фосфор» заводида ошпаз сифатида бошлаган.

2003 йилдан хусусий тадбиркор. Кўкшетау шаҳридаги ресторанлар тармоғининг соҳибаси. ҚХАнинг «Бірлік» медали, «Қозоғистон Республикасининг мустақиллигига 25 йил», «Қозоғистон халқи Ассамблеясига 25 йил», «Қозоғистон Республикасининг мустақиллигига 30 йил», Қозоғистон халқи Ассамблеясининг “Жомарт жан” кўкрак нишони ва бошқа давлат мукофотлари билан тақдирланган.

– Тожибуви Усмон қизи, Қозоғистонда ягона ўзбек тилидаги давлат нашри – “Жанубий Қозоғистон” газетаси тахририятига хуш келибсиз! Дастлаб Сиз раҳбарлик қилаётган этномаданият бирлашмасининг фаолиятига назар солсак...

– Бугунги кунда бирлашмамиз этнослараро дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган қатор тадбирларни ўтказмоқда. Зеро, инсонлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик алоқалари қадим-қадимдан халқимиз томонидан улуғлаб келинади. Дўстлик туфайли эл-юрт тинч ва обод, халқлар фаровон ашаган. Халқлар дўстлигининг улуғворлиги шундаки, ҳар бир халқ ўзига хос ажойиб ва гўзал анъаналари билан бир-бирини бойитади, ҳаётини гўзаллаштиради. Дўстлик – тинчлик таянчи. Бунинг учун барчамиз тотув, бир тану бир жон бўлиб мамлакатимизнинг қудратини ошириш ва гўзал дийримишни обод қилишга ҳисса қўшмоғимиз керак.

– Келажаги ягона миллат деганда нимани тушунайсиз?

– Бу сўзлар замирида чуқур фалсафа ва мазмун мавжуд бўлиб, давлатимиз тинчликсеварлик сиёсатининг ифодасидир. Юртимизда қадимдан кўплаб этнос ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилади. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмаганлиги қозоғистонликларнинг азалий бағрикенглигининг ифодасидир.



Халқимиз ҳаётида миллатлараро бағрикенглик чуқур тарихий илдизларга эга. Миллий-маданий хайрихоҳлик қозоғистонликларнинг ўзига хос фазилатига айланган. Бағрикенглик ғояларини қарор топтириш ўта муҳим тамойил бўлиб, бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Ушбу масала доимо Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг эътиборида. Қозоғистон миллий бирлик Доктринасида шундай дейилган: “XXI аср бўсағасида Қозоғистоннинг қиёфасини тинчлик ва осойишталик, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувлик, диний ҳамда мафкуравий бағрикенглик, маданиятларнинг уйғунлашуви, турли миллат ва элатларнинг жамият ҳаётида тенглик асосида иштирок этишини белгилайди. Инсон ҳуқуқлари ва демократия Қозоғистоннинг миллий ва давлат манфаатларига, халқимизнинг эрксевар миллий тафаккур тарзи ва руҳиятига тўла мос келади”.

Бугунги кунда кўпмиллатли мамлакат ҳисобланган Қозоғистонимизда 130дан зиёд миллат ва элат вакиллари аҳил ва иноқ яшамоқда ва бу муборак заминни ўз Ватани деб билади. Шунинг учун Президентимиз томонидан айтилган “Бу азиз Ватан – барчамизники” деган ғоя тили, дини ва миллатидан қатъиназар, барча юртдошларимизнинг орзу-интилишларини ифодалайди. Чунки барчамизнинг бахт-саодатимиз мана шу Ватанинг тинчлиги, озод ва ободлиги, миллий равнақи билан боглиқ.

– Давлатимиз раҳбари Қозоғистон халқи Ассамблеяси Кенгашининг “Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги: натижалар ва истиқболли вазифалар” мавзусидаги кенгайтирилган ййгилишида ҳам бу масалага атрафлича тўхтади.

– Дарҳақиқат, сессияда Президентимиз Ассамблея институтининг мамлакатимизда бирдамлик ва тотувликни мустаҳкамлашдаги ўрни, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнидаги аҳамиятини алоҳида таъкидлади. «Бугунги учрашув алоҳида тарихий аҳамиятга эга. Бу йил Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил этилганига 30 йил тўлди. Бу барча қозоғистонликлар учун муҳим воқеа. Ассамблея бу даврда жамиятда барқарорлик ва тотувликни мустаҳкамлашга бекиёс ҳисса қўшди ва юртимиздаги бирлик ва тенглик, барқарорлик ва тинчлик тимсолига айланди», деди. Юртбошининг бу сўзлари этномаданият бирлашмаларига юксак масъулият юклайди. Аниқроғи, дастуриламал вазифасини ўтайди.

– Суҳбат учун ташаккур!

Отабой РАҲИМҒОЗИЕВ.

СПОРТ – ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ

Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги доирасида Туркистон шаҳридаги “Ясси” спорт мажмуасида 1 май – Қозоғистон халқи бирдамлиги куни муносабати билан вилоятдаги этнослар вакиллари ўртасида “Бирлик” спорт мусобақалари ўтди.

Дўстлик ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи спорт мусобақаси Туркистон вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси, “Ижтимоий тотувлик” ДKK шафелигида ташкил этилди.

Мусобақада жами 11та жамоа иштирок этди. Жумладан, Кентау, Арис шаҳарлари, Сайрам, Тўлкибош, Тўлебей, Саврон Жетисай, Мақтаарал, Келес, Саригоч туманларидаги турли этнос ёшлари ҳамда “Ёшлар ассамблеяси” РЖБнинг вилоят вакиллиги аъзоларидан иборат жамоалар спортнинг 4 тури, хусусан, кичик-футбол, армрестлинг (қўл кураши), арқон тортиш, оғир атлетика бўйича ўзаро куч синашди.

Спорт тадбирининг очилиш маросимида вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбари ўринбосари Нурсултан Сейитжанов, “Ижтимоий тотувлик” ДKK раҳбари Элмира Жанғазиева сўзга чиқиб, тинчлик ва тотувлик давлат сиёсатининг муҳим йўналиши эканлигини таъкидлади.



Беллашув якунларига кўра, қўл кураши бўйича Улуғбек Нишонтеев чемпионликини кўлга киритди. Ёқуб Элмас 2-ўринни, Бобуржон Рустамбеков 3-ўринга сазовор бўлди.

Арқон тортиш мусобақасида «Ассамблея ёшлари» РДКнинг вилоят вакиллиги ғолибликни кўлга киритди. 2-ўринни Жетисай тумани, 3-ўринни Саригоч тумани жамоалари эгаллади.

Шунингдек, оғир атлетика бўйича Муҳаммадрасул Расулов ғолибликни кўлга

киритди. Абдулло Анорқулов 2-ўринни, Мухторжон Сайдиғаниев 3-ўринни эгаллади.

Кичик футбол мусобақасида эса Тўлебей тумани жамоаси ғолиб бўлди. 2-ўринни Саригоч тумани жамоаси, 3-ўринни Келес тумани жамоаси эгаллади.

Мусобақа сўнггида совриндорларга пул мукофотлари ва дипломлар топширилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати маълумотлари асосида.

>>> Обуначиларимиз орасида

ҚАРНОҚ ВА ЧОШТЕПА ҚИШЛОҚЛАРИДАГИ ИЛМ МАСКАНЛАРИДА



Вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси ўринбосари Тўлқин Саидмуродов ҳамроҳлигида Қарноқ қишлоғига кираверишда 2023 йили барпо этилган, 360 ўқувчига 74 устоз-мураббий таълим-тарбия бераётган “URKER” умумтаълим мактабига ташриф буюриб, директор Достон Муроджон ўгли билан суҳбатда бўлди.



Мирзахмедова, Гавҳар Ҳасановалар билан мулоқотда бўлди. Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларнинг ютуқлари газетамиз саҳифаларида ёритилмоқда. Анъана давом этади.



Чоштепа қишлоғидаги “Чоштепа” умумтаълим мактабига турли йилларда Сатторхон Жалолов, Нурбадал Мамадраимов, Файзулла Абдураимов, Ҳасан Жалолов, Мамматхон Мирзаев, Аҳмадхон Эргешов, Асилзода Маматраимов, Мансур Ақшовлар раҳбарлик қилишган. Айни пайтда таълим даргоҳи директори Улуғбек Бойматов



Мактаб ёнида болалар бoғ-часи ва ёзги дам олиш лагери ҳам барпо этилган. Шаҳар маслаҳати депутати Бекзод Ҳабибов ташкилотчилигида мактаб жамоаси 50 нусха “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасига обуна бўлишган, келгуси ярим йилликда ҳам шу тарзда давом этади.

Мансур Матмусаев раҳбарлик қилаётган “Қарноқ” умумтаълим мактаби почта орқали 70 нусха обунани келгуси ярим йилликда ҳам давом эттирадиган бўлди. Мактаб 1982 йили директор Юсуф Хайруллаев раҳбарлигида фаолиятини бошлаган. Тўлқин Саид-



муродовнинг боболарига тегишли ердан мактаб қурилиши учун майдон ажратилган экан. Ҳасан Жалолов, Маъмуржон Бобохоновлар 2022 йилгача директор бўлиб ишлашган. Мактаб раҳбари Мансур Матмусаев собиқ ўқувчилар ҳомиёлигида мактаб даҳлизида илинган давлат рамзлари, мактаб паспорти ва бошқа лавҳаларни намойиш этди.

Артур Асоев раҳбарлик қилаётган Маҳмуд Қошғарий номли умумтаълим мактаби кутубхонасида директор ўринбосари Дилрабо Ҳошимова, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Долимжон Сайфуллаев, кутубхоначи Саноат

чига шаҳар, вилоят, республика миқёсида мусобақаларда яхши натижаларга эришгани учун мукофотлар билан тақдирланган. 11-синф ўқувчиси Жасмина Муҳиддинова ўқитувчиси Шаҳноза Анорбоева етакчилигида қозоқ тилидан республика олимпиадасида фахрли биринчи ўринни эгаллаган. Ўқитувчи Каримжон Маматкаримов етакчилигида робототехникадан республика танловида мактаб ўқувчилари фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Кутубхона мудираси Дилёра Ирискулова 40 нусха газетача почта орқали обунани давом эттиришини маълум қилди.

кутубхона мудираси Мақсуда Юсупова саъй-ҳаракатлари билан 50 нусха газетача почта орқали обунани ташкил этмоқда.

Мактаб раҳбарлари, кутубхоначиларига “Жанубий Қозоғистон” тахририяти ташаккурномалари тақдим этилди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: “URKER” мактаби директори Достон Абдалиев; “Қарноқ” мактаби директори Мансур Матмусаев; М.Қошғарий номли мактаб директори Артур Асоев; М. Қошғарий номли мактаб кутубхонасида; “Ақын-Тўма” мактабида; “Чоштепа” мактабида.

Муаллиф суратга олган.



БИРЛИГИ ЯРАШГАН ЭЛМИЗ

Туркистон шаҳридаги Султан Қурақбаев раҳбарлик қилаётган 26-сонли Айтекеби номидаги умумтаълим мактабига аjoyиб тадбир 1 Май – Бирдамлик байрамига бағишланди.



Ўтган ўқув йилида мактабни тамомлаган 26 нафар ўқувчининг 18 нафари давлат гранти асосида олий ўқув юртиларига, 5 нафари коллежларга ўқишга қабулланганлиги аjoyиб кўрсаткич. Жорий йили мактабни 41 нафар

қозоқ, ўзбек миллий таомлар кўргазмаси билан танишдилар.

Давлат мадҳияси ижроси, мактаб раҳбарининг байрам қутлови билан бошланган тадбирда ўқувчи ва ўқитувчиларни вилоят “Жамоат

чилари саъй-ҳаракатлари билан тайёрланган файзли концерт дастурида миллий либослардаги ўқувчилар қозоқ, рус, ўзбек, турк ва бошқа тилларда қўшиқлар айтиб, рақслар ижро этишди. Тинчлик рамзи кабутарлар кўкка



ўқувчи тамомлайди. Кўрсаткич ўтган йилгидан юқори бўлишига ишончимиз комил. Мактаб УЭМБ бошланғич ташкilotи раисаси, муаллима Ҳидоят Бобохонованинг саъй-ҳаракатлари билан “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси обунани ташкил қилинмоқда.

Мактаб ҳовлисида меҳмонлар ўқувчиларнинг асфальтга расм чизиш маҳорати, қорачанғароқ-ўтов ҳамда

тотувлиги” ДКК раҳбари ўринбосари Ерназар Баев, Туркистон шаҳар УЭМБ раиси ўринбосари Хусан Убайдуллаев муборакбод этди. Мактаб директори Султан Қурақбаев ва муаллима Ҳидоят Бобохоновага вилоят УЭМБ раисининг ҳамда “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси тахририятининг қутлови, ташаккурномасини тантанали равишда тақдим этди.

Мактаб ўқитувчи ва ўқув-

парвоз қилди. Давлат байроғи ҳилпираган чанғароқ пойда барча иштирокчилар Қозоғистон ва Туркистон ҳақидаги ватанпарварлик қўшиғини биргаликда ижро этиб, эсдаликка расмга тушдилар.


Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: мезбонлар ва меҳмонлар; файзли концерт ташкилотчилари.

Муаллиф суратга олган.

>>> Заковатли миллат

Қалб зиёси, маънавият тирози



Шимкент шаҳри, Сайрам даҳасидаги Индира Мейиржанқизи раҳбарлик қилаётган Муқимий номли 105-умумтаълим мактабига 8-11-синф ўқувчилари иштирокида “Миллий китоб куни”га бағишланган маърифий учрашув ўтди. Тадбирга мактабнинг фидойи кутубхоначилари Фарида Ғуломова ҳамда Соҳиба Алҳамшиқовалар ташаббускорлик қилдилар.

Мақсад – ўқувчилар қалбига китобга меҳр уйғотиши, уларнинг маънавий дунёқарашини бойитиши. Тадбирда мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Искандар Балиқов сўзга чиқиб, китоб инсоннинг содиқ дўсти эканлигини ҳаётий воқеалар мисолида баён этди.



Учрашув меҳмонлари – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси мухбирлари Мухтабар Усмонова ҳамда Малика Элтоева мавзуга оид фикр-мулоҳазаларини билдириб, ўқувчиларнинг саволларига жавоб беришди.

Қизиқарли суҳбат шаклида

уюштирилган учрашув китоб мутолаасига оид фикр-мулоҳазалар билан якун топди.

Маънавият ва маърифатни юксалтиришга бағишланган тадбир барчада илқ таассурот қолдирди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

Бирлик ва тотувлик – бебаҳо қадриятларимиз

Қадрли ҳамюртлар!
Сизларни тотувлик,
тинчлик, барқарорлик ва
осойишталик байрами
– Қозоғистон халқи бир-
дамлиги куни билан чин
қалбимдан муборакбод
этаман!

Бирдамлик, тотувлик
ва осойишталик – бе-
баҳо қадриятларимиз
эканлиги Давлат раҳба-
ри иштирокида ўтган
ҚХАнинг 30 йиллигига
бағишланган сессияси-
да таъкидланди. Ушбу
давр мобайнида бу ўзига
хос тузилма тинчлик ва
тотувлик борасидаги
сиёсатимизнинг мустақкам пойдевори сифатида шаклланди.
Тарих бирлаштирган, тақдир юзлаштирган халқимиз – орзу-
умидлари, мақсад-муддаолари ягона миллатга айланди. “Бир-
лигимиз – хилма-хилликда” тамойилига содиқлик намунасини
кўрсатиб, фуқаровий бирлиkning нурафшон йўлини яратмоқ-
дамиз.

Қадрли ҳамюртлар!

Халқимиз “Бойлик бойлик эмас, бирлик бойлик”, дейди. Яъ-
ни, биз учун мамлакатимизнинг яхлитлиги, бирлиги, тотув-
лиги ва тинчлиги ҳар қандай хазинадан устундир. Бирлиги
мустақкам халқнинг ризқ- насибаси камаймайди. Бирлик бай-
рами муносабати билан барчангизга бахт-саодат, сиҳат-са-
ломатлик, келгуси фаолиятингизда улкан муваффақиятлар
тиламан! Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги мустақкамланавер-
син!

Алтинсари УМБЕТАЛИЕВ,

“AMANAT” партиясининг вилоят филиали раиси,
вилоят маслаҳатидаги партия фракцияси раҳбари.



Ҳамжиҳат элнинг барақаси мўл!



Ҳар қандай давлатнинг энг улкан қуд-
рати, бойлиги – халқнинг бирлигида-
дир. Ҳамжиҳатлик, бирдамлик, аҳиллик
– буюк неъмат.

“Бирлик бўлмай ҳаёт бўлмайди”, деб ҳи-
катли мушоҳада юритган ота-боболаримиз
доим бир ёқадан бош чиқариб, тотувлики
юксак қадрлаган. Бирлиги ярашган дав-
латимизда 130дан зиёд миллат вакиллари
фаровон ҳаёт кечирмоқда. ҚХАнинг ба-
ракали чанғароғи атрофида жипслашган
турли миллат вакиллари бирлигимизни
мустақкамлаш йўлида изчил фаолият
юритмоқда. Давлатимизнинг асосий ютуғи
– элимизда истиқомат қилувчи миллатлар

тотувлиги, бағрикенглиги, ҳурматидир.
Президентимизнинг оқилона сиёсати ту-
файли мамлакатимиздаги халқлар ўзаро
тинч-тотув умргузаронлик қилишмоқда.
Натижада, Қозоғистон бирлиги ярашган,
баракали элга айланди.

Дарҳақиқат, бугунгача бўлган йўлни
осонликча босиб ўтмадик. Халқимизни
машаққатлар синовидан, даврнинг оғир
заҳматларидан матонат ила олиб ўтган
давлат ва жамоат арбоблари Тўле бий,
Қазибек бий, Айтеке бийларнинг ўрнини
алоҳида таъкидлаш лозим. Буюк Даштнинг
машъали бўлган бийлар ўз давлати тарақ-
қиятига беқиёс ҳисса қўшган, уруғ ва қа-

билаларни бирлаштирган, уларнинг ўрта-
сидаги низоларни ҳал этишнинг ўзига хос
усулларини намоён этган давлат арбобла-
ридир. Шу тариқа дунё ўзгарди, қанча аср-
лар ўтса ҳам, янги давримизда бийларнинг
бирликка даъватлари ҳамон янграмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда.. Давлатимиз
раҳбари таъкидлаганидек – юрт бирлиги
ва тотувлигини сақлашига ҳар биримиз
масъулмиз.

Севинч РИХСИБОЙ,
Туроб Тўла номли
умумтаълим мактабининг
11-«Б» синф ўқувчиси.
Қазигурт тумани.

ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА



Е. Юсупов номли умумтаълим
мактабининг мажлислар залида
Енбекши тумани аҳолиси ўртасида
жамоат қабули ўтди.

ҚР Аxbорот ва ижтимоий тараққиёт
вазирлигининг “Тинчлик ва тотувлик”
лойиҳаси доирасида уюштирилган
тадбирдан мақсад – этноижтимоий
низоларнинг олдини олиш, асосий йў-
налишлар бўйича ҳудудлардаги муам-
моларни аниқлаш, уларни ҳал қилиш
йўллари ишлаб чиқиш эди.

Мутасаддилардан иборат гуруҳлар
аҳоли ўртасида “Этнослараро тотув-
лик”, “Ижтимоий ҳамда меҳнат муам-

моларини ҳал қилиш”, “Аҳоли саломат-
лиги”, “Аҳолига таълим бериш”, “Бизнес
муҳитини ривожлантириш”, “Динлараро
тотувлик”, “Қонунчилик, интизом ва
жавфсизлик” каби йўналишларида фу-
қаролар билан учрашиб, сайёр қабул
ўтказилди.

Қабулда шаҳар ички сиёсат ва ёш-
лар ишлари, бандлик ҳамда ижтимоий
муҳофаза, соғлиқни сақлаш, таълим,
тадбиркорлик ва индустриявий ҳамда
инновацион тараққиёт, дин ишлари ва
яна қатор бошқармалар ва ҳуқуқ-тарти-
бот идораларининг масъул ходимлари
иштирок этиб, аҳолининг муаммолари-
ни тинглаб, ҳал қилиш йўллари
баён этишди.

М. УСМОНОВА.



ЁЗУВЧИ ВА ИЖОД: ҚАЛБ ОЛАМИГА САЁҲАТ

Куни кеча Ю. Сарёмий номли 107-мактаб-лицей кутубхона
ходимлари – Мухаббат Анорметова, камина ҳамда 9-“А” синф
ўқувчилари таниқли ёзувчи, шоир, журналист ва Қозоғистон
ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ҳавазмат Қўчқоров(Аваз Қўзи)нинг
хонадонига ташриф буюрдик.

Биз унга саволлар билан му-
рожаат қилдик ва у киши ҳаёти ва
фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

– Ҳар бир ёзувчининг ижоди
унинг қалб оламидан, болалик
хотираларидан ва ҳаётдаги куза-
тувларидан юзага келади. Ёзувчи
– инсон руҳиятини англашга ва
унинг ички оламига кириб бориш-
га интилувчи сиймо. У асарлари
орқали нафақат ҳодисаларни тас-
вирлайди, балки жамиятга таъсир

ўтказиш, қалбларга нур улашишни
мақсад қилади, – деди у.

Биз, ёшлар учун бундай ижод-
корлар билан учрашувлар катта
тарбиявий аҳамият касб этади.
Ёзувчининг ҳаёти, илҳом манбаи,
ижодий йўли ва асарлари мазмуни
билан танишиш ёшлар қалбида
ижодга муҳаббат ва ҳурмат уйғо-
тади.

Бундай учрашувлар кўплаб ёш
қалам соҳибларига илҳом ман-

баи бўлиши мумкин. Улар билан
учрашиш – қалб оламига саёҳат
қилиш, янги фикр ва теран ҳис-
туйғуларга ошно бўлиш демакдир.

Шу боис, бундай учрашувлар
адабий ҳаёт ва маънавий тарбия-
да алоҳида ўрин тутади.

Ёзувчи Ҳ. Қўчқоров билан ҳар
бир суҳбат – ўзига хос ижод мак-
таби, қалблар учун керакли озуқа
ҳисобланади. Ижодкорга ва оила
аъзоларига соғлиқ, тинчлик ва
узоқ умр тилаб қоламиз.

М. МИРҲАЙДАРОВА,
Ю. Сарёмий номли
107-мактаб-лицей
кутубхонаси ходими ва
тарих ўқитувчиси.



Баҳор – қалбларга қувонч олиб келувчи мўъжиза

Узоқларда таралаётган ёқимли куй қалб-
ларни ларзага солади. Кўп ўтмай дилларга
хуш кайфият таратувчи бу мўъжиза, баҳор-
нинг тухфаси борлиқни, эл юртни, одамлар
қалбини эгаллайди. Юртимда катта бир
тантана бошланади. Дала даштдан бошлан-
ган яшиллик қурраи заминни бағрига олади.
Олам гулга бурканади. Яшариш, янгиланиш,
гулларга чўмилади гўёки борлик.

Бу қандай синоат, бу қандай сир? Ҳеч ким
билмайди. Бу эса Яратганнинг мўъжизаси
эмасми? Аллоҳим, ўзингга беҳисоб шуқуруна-
лар бўлсин.

Бутун борлиқни яратган, бутун жумлаи
оламини бор этган Роббимга ҳамду санолар
бўлсин. Аллоҳим, сен туйғайди жумлаи олам
яшнамоқда, ҳаёт давом этмоқда. Шундай экан,
қалбларда жўш ура бошлаган қувончу шодлик
диллардан дилларга кўчиб, тиллар воситасида
бутун оламга ёйилади. Бир қалбдан иккинчиси-
га ўтади шодлик, қувоч тароналари. Нақадар



ёқимли, нақадар нафис бу туйғу. Баҳор дея
тилларда тараннум этилаётган бу сўз.

Соғиндим баҳорим, бағри кенгликни,
Ипак майсаларни кумсаёйди кўнгли.
Соғиндим қалдирғоч қилар шўхлиқни,
Ассалом демокни, хушбўй Наврўзни!

Баҳорнинг қувончли кунларида Наврўзо-
йимни ҳам кутиб олдик. Бутун борлиқда туйу
тантана. Ўлкамга баҳор келди, Наврўз келди.
Сумалақни соғинган қалбларда қувонч, хон-
тахта устини яшиллик ёпган, момолар қўшиғи
янграйди яна дилларда шодлиғу, меҳр туп
отган. Сумалақни, баҳорни соғинганимни ҳис
қилдим. Соғинч ҳисси шу қадар улғайган экан-
ки, нафақат қалбимда, балки, она замин узра
бўй кўрсатган экан. Дарахтлар новдаларида,
бодомлар, уриклар, шафтолилар шохларида
бўй кўрсатди менинг соғинчларим. Бу гуллар-
да кўнглининг оҳанглари ўрин олди. Ёқимли
муסיқа бўлиб қалбларга таралади, вужудингни
эгаллаб олади .

Ўлкамда баҳор, Наврўз келди. Элимнинг, ҳа-
мюртларимнинг қалби доимо очик. Бир-бирига
яхшилик илинадиган халқ менинг ҳамюртла-
рим. Шу боисданми, юртимда ҳар куни тўю тан-
тана, дўстлар дийдорлашуви. Бундай маросим-
ларни соғинган, доимо қадрлайдиган юрт эса,
албатта, гўзал, тароватли бўлади-да. Бундай
юртдан ҳеч қачон баҳор кетмайди, унинг уйи-
да мезбон бўлади баҳор деганлари. Фасллар
келинчаги, яшариш, меҳнат фасли ҳамдир,
деҳқон даласида меҳнат нафаси. Кетмоннинг
тубига ризқим сочилар. Она ер бағрига уруғлар
қадаб, пешона тер тўкиб яшайди деҳқон.

Баҳорингиз муборак, Наврўзингиз муборак

азиз юртдошлар!

Юртимга тўқинлик олиб кел, Наврўз,
Барака уругинг сочиб кел, Наврўз.
Элимда тўқинлик, омонлик бўлсин,
Гуллар ифориш сочиб кел, Наврўз!

Элимнинг тўйига бормоқ ҳар бир инсоннинг
орзуси. Наврўз бу тўй, тантана, бу шодумонлик-
дир.

Яна келдинг, қалбимга баҳор,
Яна келдинг, минг жилва билан.
Яна келдинг, безанди борлиқ,
Кўнгулларга тўлмоқда шодлик.

Фарида ЎЛЖАЕВА.
Қорамурт қишлоғи.

СЎЗОҚНИНГ САРА ФАРЗАНДИ



ЁКИ ПАҲЛАВОН ПУЛЕМЁТЧИ, ИҚТИДОРЛИ
РАҲБАР БОЛТАБОЙ АБДИРАМАН ЎҒЛИ ҲАҚИДА



Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги байрами арафасида жанг майдонларида қаҳрамонлик кўрсатган Сўзоқнинг асл ўғлонларидан бири Болтабой Абдираманов номини эхтиром билан тилга оламиз.



Б. Абдираманов 1924 йили Сўзоқ қишлоғида дунёга келган. 7-синф маълумоти бўлган. 1941 йилдан урушга сафарбар қилингунга қадар, жамоа ҳўжалигида ишчи, ҳисобчи, ферма мудири бўлиб ишлади. 1944 йили фронтга отланди. Паҳлавон келбатли, жисмонан бақувват Болтабой Абдираманов урушда пулемётчи сифатида танилди. Оғир пулемётни олиб юриш, жангда ишлатиш-

фарзандлар тарбиялаб воёга етказди. Хусусан, фарзанди Ирисбой Болтабой ўғли Сўзоқ қишлоғида раҳбарлик лавозимларда меҳнат қилди. Қишлоқ ҳокими лавозимида кўп хайрли ишларни амалга оширди. Алишер Навоий номли мактабнинг ҳозирги замонавий ўқув биноси қурилиб, ишга туширилишига камарбаста бўлди. Шу ўқув даргоҳи директори бўлиб ҳам ишлади.



нинг ўзи осон кечмаган. Бу масъулиятли вазифа жисмонан заиф аскарларга ишониб топширилмаган. Болтабой Абдираманов қуролдош дўстлари билан Белоруссия, Украина, сўнгра Кенигсберг ва Берлин учун жангларда иш-тироқ этди. 1945 йили ҳаёт-мамот жангларининг бирида оғир яраланди. Госпиталда даволаниб, учинчи гуруҳ ногирони сифатида юртига қайтди.

Жанг майдонларидаги жасоратлари учун учинчи даражали “Шухрат”, “Ватан уруши” орденлари, “Кенигсбергни озод этиш учун”, “Германия устидан қозонилган ғалаба учун” каби қатор медаллар билан тақдирланган. Урушдан сўнг Болтабой Абдираманов билимли ташкилотчи, собиқ фронтчи сифатида тажрибаси, куч-ғайратини меҳнат фронтига сафарбар этди. 1946-1947 йилларда Куйбишев номли жамоа ҳўжалигида раис, 1957-1958 йиллари Сўзоқ давлат хўжалиги директори ўринбосари, 1959-1962 йиллари 1-сонли хунар-техника билим юрти директори. 1962-1967 йилла-

Айни пайтда Болтабой Абдирамановнинг иқтидорли невараси Нурмуҳаммад Ирисбой ўғли Навоий номли мактаб директори сифатида “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси обунасига баракали ҳисса қўшмоқда. Сўзоқ қишлоғидаги марказий кўчаларнинг бирига Болтабой Абдирамановнинг номи берилган. Бугунги фаровон ҳаётимиз учун душман билан жангларда мардлик намунасини кўрсатган, меҳнат жабҳасида эса қадрдон юрт равнақига ҳисса қўшган Болтабой Абдирамановнинг охиратлари обод бўлсин.

**Муҳаммаджон БОБОЕВ,
Сўзоқ тумани УЭМБ раиси.**

Тасвирларда: Болтабой Абдираманов; Шимкент вилоят Асания қўмитаси сарко-тиби Асанбай Аскарлов 1983 йили коммунист-раҳбар Болтабой Абдирамановга “Октябрь революцияси” орденини тақдим этаётган лаҳза. Б. Абдираманов рафиқаси Шарофат ая билан.

Архив суратлари.

Газетада Улуғ Ватан уруши йилларида бедарак кетган ёки ҳалок бўлди, деб ҳисобланган айрим юртдошларимизга оид маълумотларни чоп этишда давом этамиз (“ЖҚ”, 29 март, 33-сон).

Қуйидаги мақолада ушбу маълумотлар расмий ҳужжатлар ёки манбалардан олинган кўриниш-лавҳалар тарзида берилмоқда. Уларни М. Ауезов номидаги ЖҚТУ доценти, ватанпарвар қидирувчи Ўмарбек Алибеков тақдим этмоқда.

Ҳайдар САИДОВ. 1922 йилда Қорабўлоқ қишлоғида туғилган. 1942 йил 1 январда Сайрам туман ҳарбий комиссариати томонидан Қизил Армия сафига қақирилган.

Биринчи медални катта сержант Ҳ. Саидов 102-ўқчи дивизияси таркибиди, Жанубий фронтдаги жанглардаги иштироки учун олди, у бу урушларда ярадор бўлди. 328-ўқчи дивизия таркибиди, 4-Украина фронтдаги жанг қилганида иикинчи марта яраланди.

Ҳ. Саидов Германиянинг Лебус шахри яқинидаги жангларда ҳалок бўлган ва у ердаги тепаликларга дафн этилган, деб ҳисобланган (бу маълумотлар аскар жанг қилган 1234-ўқчи полкининг ҳалок бўлганлар ҳақидаги ҳисобот ҳужжатларида келтирилган).

Катта сержант Ҳайдар Саидов взвод командирининг ёрдамчиси сифатида 1-Белоруссия фронтдаги жанг қилган пайтида “Қизил Юлдуз” ордени билан тақдирланган.

Жангчининг жасоратлари ҳақида қисқача маълумотни эътиборингизга ҳавола қиламиз: «Ўртоқ Саидов Ватан ҳимояси учун жангларда жасорат кўрсатди. Жанговар фаолияти чоғида фидойилиги билан танилди. 1945 йил 7 мартда Голлов шахарларини забт этиш учун бўлган жангларда пиёда жанговар тузилмаларида ҳаракат қилиб, у ўз қуроли билан душманининг ҳужумини бостирди, яъни бўлинмаларимизнинг олдинга силжишига йўл очди. Немислар ушбу муҳим тепаликни ҳимоя қилиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилдилар. Лекин Ҳ. Саидов ташаббускорлик билан ўзини очик жойга ташлади ва ўз қуроли билан битта танк ва иккита пулеметни бартараф қилди. У Шаркий Гомеран операциясида пиёда аскарларимизга ёрдам бериб, Голлов шахарини ишғол этишга ҳисса қўшди.

Мен уни Ҳукумат мукофоти билан тақдирлашга – “Қизил Юлдуз” ордени берилиши учун тавсия этаман.

82-ўқчи полки командири подполковник Пинчук. 1945 й. 16 март”.

“Қаҳрамон Ҳ. Саидов 1945 йил апрель ойида “2-даражали Ватан уруши” ордени билан тақдирланди. Мукофот қоғозида шундай ёзувлар бор: «1945 йил 15 ва 16 апрель кунлари Одер дарёсидаги кўприкдаги жангларда катта сержант Ҳайдар Саидов биринчилар қаторида қатъийлик билан ҳужумга ўтди, йўлидаги душманининг учта хандақ чизигидан ўтиб, оғир пулемёт билан пиёдалар йўлини ўқ ёмғиридан тозалаб, муваффақиятли ҳужумни ташминлади. Ҳужум пайтида у душманининг учта пулемётига зарба бериб, йўқ қилди, иккита душман аскарини асир олди.

Мен уни Ҳукуматнинг «1-даражали Ватан уруши» орденига тавсия қиламан.

82-ўқчи полкининг командири, подполковник Пинчук. 1945 йил 19 апрель”.

Қизиги шундаки, амалда қаҳрамон йигитга умуман бошқа орден берилди!

Ушбу қорабўлоқлик қаҳрамон 1945 йил июнь ойида немис-фашист чегараларига киришда, 1-Белоруссия fronti сафида жанг қилган пайтида кўрсатган жанговар хизматлари учун “Қизил байроқ” ордени билан ҳам тақдирланган.

1946 йил 2 мартда эса, катта сержант Саидов Ульяновск шахрида оғир жароҳат олганидан кейин даволангач, унга «Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали берилди.

Отахон урушдан кейин ўз қишлоғида тинимсиз меҳнат қилди ва 1985 йилда “2-даражали Улуғ Ватан уруши юбилей ордени” билан тақдирланди.

Муҳаммаджон УМАРАЛИЕВ. У 1923 йил Сайрам туманининг Қорабўлоқ қишлоғида туғилган, 1941 йил июлда Қизил Армия сафига қақирилган ва 1944 йил августдаги жанглар пайтида бедарак йўқолган. Оиласи билан алоқаси 1944 йил май ойида узилган. Урушдан кейин йўқолган ўғлини онаси Қорақиз Шерматова қидиради, у 1948 йил август ойида Сайрам туман ҳарбий комиссариатига бориб, ўғлини қидираётганини маълум қилади. Ўша пайтда у Сайрам туманидаги “Ғайрат” жамоа хўжалигида яшаган. СССР Марказий ҳарбий архиви жойлашган Москвадан хат келади, унда Қизил армия аскари Умаралиев М. бедарак йўқолган, деган жавоб бор эди, холос.

Электрон архив материаллари орасидан қидирувчи Ў. Алибеков жангчи аскар ҳақидаги бир қанча маълумотларни топди. Маълум бўлишича, УМАРАЛИЕВ МУХОМЕДЖАН (мукофотлар рўйхатида шундай ёзилган) – қаҳрамон экан. У «Жасорати учун» медали билан тақдирланган. 28-гвардиячи артиллерия полкининг 9-гвардиячи ўқчи Қизил байроғи дивизиясининг буйруғида ёзлишича, М. Умаралиев, 1-дивизионнинг топографик

АЖДОДЛАРИМИЗНИ ИЗЛАШДА ДАВОМ ЭТАМИЗ

взвод ҳисобчиси сифатида қуйидаги жасоратлари учун тақдирлансин: «Ўртоқ М. Умаралиев ўзини довярак ва қатъиятли жангчи сифатида кўрсатди. У 1944 йил 23 июнда Витебск вилояти, Березовка қишлоғи ҳудудида, душмандан мудофаа пайтида ҳисобчи-аниқловчи сифатида ишлаб, душманининг ўқ-ёмғири остида, ўз вақтида ва аниқ ўқ отиш учун дастлабки маълумотларни тайёрлади, натижада душман мудофаасининг олдинги маррасидаги барча нишонлари тўлиқ аниқланди, уларга зарба берилиб, йўқ қилинди.” Шунингдек, тақдирлаш тўғрисидаги қоғозда ёзлишича: «У 1921 йилда туғилган, ўзбек, 1938 йилдан ВЛКСМ аъзоси. 2.12.1942й.да Калинин фронтда яраланган”.

Афсуски, Қорабўлоқ қишлоғидан чиққан ушбу қаҳрамоннинг дафн этилган жойини қидириб топиш ҳали ижобий натижа бермади.

Аҳмад ТОШНИЁЗОВ. 1948 йилда уруш тугагач, Қорабўлоқ қишлоғида яшовчи Тошнйёз Умарқулов 1923 йилда туғилган, Сайрам туман ҳарбий комиссариатидан 1941 йил июлда Қизил армия сафига қақирилган ўғлини қидира бошлайди. Аскар билан алоқа 1945 йилнинг қиш-баҳорида узилган эди.

Ушбу маълумотлар ўша пайтдаги Сайрам туман ҳарбий комиссариати томонидан тақдим этилган.

Энди Россия Федерацияси Марказий ҳарбий архивдан (расмий электрон архивлар) олинган қуйидаги маълумотларни эътиборингизга ҳавола қиламиз! 1925 йилда туғилган АҲМЕД ТОШНИЁЗОВ 1943 йилда Қизил армияга қақирилган. Дастлаб у мерганларни тайёрлаш бўйича 66-ўқув полкида ўқиган, тахминан у Қозоғистоннинг Ақмўла вилоятида жойлашган бўлиши мумкин, ўқув пайти – 1943 йил август ва ноябрь ойлари орасида. Кейин у САВО 42-ўқув ўқчи дивизиясининг 19-мерган мактабидида 1944 йил январгача ўқишни давом эттирган. Мактабдан кейин Аҳмад немис босқинчиларига қарши жангга кирди.

Балки, Ташниязов Амет, Аҳмед ва Тошнйёзов Аҳмад – бир кишидир! Умарқуловнинг отаси ўғлини қидириш учун сўров юбораётганда маълумотлар билан адашган бўлиши мумкин. Ахир орадан 5-7 йил ўтди-ку!

Қизил армия аскари, 8-танк полкининг 9-танк бригадаси ўқчиси Аҳмад Тошнйёзов Ватан учун жангларда қаҳрамонлик кўрсатди ва бир неча жароҳатлар олди. У “1-даражали Улуғ Ватан уруши” орденига тавсия этилган. Тақдирлаш тўғрисидаги қоғозда қуйидаги ёзувлар мавжуд: Аҳмад Тошнйёзов, туғилган йили 1924 йил январь, миллати – ўзбек. Улуғ Ватан урушида – 1944 йил июлдан бошлаб биринчи Белоруссия фронтда. У 1945 йил 7 мартда оғир яраланган. Қизил армия сафида 1942 йил 18 мартдан буён.

Бу ерда эса шахсий жанговар жасоратининг қисқа, лекин аниқ хулосаси берилган. «Қизил армия аскари Аҳмад Тошнйёзов немис босқинчиларига қарши жангларда, Одер дарёсининг ғарбий соҳилидаги кўприкни кенгайтириш бўйича жанговар топшириқни бажараётганида, 8-танк бригадасининг 9-танк корпусида ўқчи сифатида ҳаракат қилаётганида, 1945 йил 7 мартда оғир яраланди, натижада у ногирон бўлиб қолди. У Ҳукуматнинг “1-даражали Ватан уруши” ордени билан тақдирланишга муносиб. 1945 йил 17 июль”.

Аммо ушбу қаҳрамонга «2-даражали Ватан уруши» ордени берилди”.

Йўқолган аскарнинг манзилини топа олмадик. Балки А. Тошнйёзов, бир неча йил ўтгач, уйига тирик қайтгандир?

ТОПИЛГАН АСКАРЛАР

1922 йилда туғилган **Турабой ҚОЗОҚБОВЕВ.** 1941 йил июнь ойида Сайрам туман ҳарбий комиссариатидан Қизил армияга қақирилган. Улуғ Ватан уруши пайтида йўқотишлар қайд этилган ҳужжатларга кўра, у дом-дараксиз йўқолган. Сайрам тумани ҳарбий комиссариати ҳужжатларига кўра, 1949 йил 16 декабрда А. Қозоқбоева, яъни аскарнинг онаси Айжамал Қозоқбоева Марказий ҳарбий архивга мурожаат қилиб, ўғлини қидиришни илтимос қилади. Ўша пайтда онаси қуйидаги манзилда яшаган: “Красная Пресня” жамоа хўжалиги, Бозорқопқа қишлоқ кенгаши, Сайрам тумани, Жанубий Қозоғистон вилояти.

Биз (қидирувчи Ў. Алибеков) “Мемориал”, “Память народа” ва бошқа ҳарбий манбаларнинг электрон веб-сайтларидан излаб, йўқолган аскар ҳақида бошқа маълумотларни топдик.

“Туран Қозоқбоев 1923 йилда туғил-

ган. Қизил армия аскари. Туғилган жойи: Жанубий Қозоғистон вилояти, Сайрам тумани, “Красный пресс” жамоа хўжалиги. У Сайрам туман ҳарбий комиссариатидан қақирилган. Охирги хизмат жойи: 267-Сиваш ўқчи дивизияси. У 1944 йил 18 апрелда жанг пайтида ҳалок бўлди. Дастлабки дафн этилган жойи: Крим АССР, Балаклавский тумани, Верхний Чоргунь қишлоғи, дивизион қабристони. Онаси – Айжамал Қозоқбоева, Чикмен вилояти, Сайрам тумани, “Кр. Пресс” жамоа хўжалигидаги манзилда яшайди”.

Т. Қозоқбоев ҳақидаги бошқа ҳужжатларда дафн этилган жойи аниқроқ кўрсатилган – Верхний Чоргунь қишлоғи, Шарқий чеккаси, дивизион қабристони; Чернореченское қишлоғи, Биродарлик қабристони.

Марҳум аскар, шунингдек, қаҳрамон Севастополь шахрининг Хотира китобига – Туран Қозоқбоев сифатида киритилган (39-бет).

Аскар Турабой (Туран) Қозоқбоев ҳам қаҳрамон бўлган экан. Биз уни ўлимидан сўнг тақдирлаш тўғрисидаги буйруқни топдик. Тақдирлаш тўғрисидаги қоғозда унга ва унинг жасоратига шундай тавсиф берилган: «Қозоқбоев Туран, 1923 йилда туғилган, миллати – ўзбек, 1943 йил августдан бери ВЛКСМ аъзоси. У 1942 йил май ойидан бери Жануби-Ғарбий ва 4-Украина фронтларида қатнашган. У Жанубий Қозоғистон вилояти, Сайрам РВК томонидан армияга қақирилган. Қизил армия аскари, 844-ўқчилар полкининг 267-Сиваш ўқчи дивизиясининг 63-ўқчи корпусининг разведка взводининг разведкачиси, “2-нчи даражали Улуғ Ватан уруши” ордени билан тақдирланишга (ўлимидан кейин) тақдим этилади.

Унинг шахсий ҳарбий жасорати ҳақида қисқача маълумот: 1944 йил 16 апрелда Верхний Чургунь қишлоғини разведка қилиш пайтида Қозоқбоев 10дан ортиқ душман аскарлари ва офицерларини йўқ қилди ва тенгсиз жангда Ватан учун мардларча ҳалок бўлди”.

1944 йил 20 апрель. Гвардиянинг разведка дивизияси бошлиғи майор Оржинковский”.

Демак, ҚОЗОҚБОВЕВ ТЎРАБОЙ – Қаҳрамон ва унутилмаган! Ва ном-нишонсиз йўқолмаган ҳам!

Ибодулла ОТАЖОНОВ. Туркистон туман ҳарбий комиссариатининг 1947 йил 23 июлдаги урушдан кейинги ҳисоботлар-маълумотлари бўйича Ибодулла Отажонов 1906 йилда туғилган, оддий аскар. Туғилган жойи: Қозоғистон ССР, Жанубий Қозоғистон вилояти, Туркистон тумани. У 1942 йил июнь ойида Туркистон РВКдан армияга қақирилган. У 1943 йил июнь ойидан буён бедарак йўқолган ва 1942 йил декабридан буён аскардан ҳеч қандай хабар йўқ. Уни Туркистон тумани, Куш-Ата қишлоғи, Бўстонлик жамоа хўжалигидаги манзилда яшовчи турмуш ўртоғи Хадиша Отажонова қидирмоқда.

1948 йил октябрь ойида Жанубий Қозоғистон вилояти, Туркистон туман ҳарбий комиссариати СССР Марказий ҳарбий архивига Атажанов Ибадулланнинг (ҳужжатда шундай) тақдирини билиш мақсадида бир неча бор сўров юборди, унда аскарнинг охирги хизмат жойи – 365-захира ўқчи полки деб кўрсатилди.

Биз ҳарбий электрон архивда шунга ўхшаш фамилия ва исм эгасини топдик – Атозялов Ивауло ва биз уни Отажонов Ибодулла деб тахмин қиламиз. Мана унинг маълумотлари:

СЭГ 1861 госпиталидаги ярадорлар картотекасида маълумот

Фамилия: Атозялов

Исм: Ивауло

Туғилган сана / ёш: _____.1906.

Туғилган жойи Қозоғистон ССР, Чимкент вилояти, Туркистон тумани, Туркистон шахри.

Охирги хизмат жойи: 27-ўқчи полки.

Ҳарбий унвони: Қизил армия аскари.

Дафн қилинган жойи: Тула вилояти, Калуга тумани, Калуга шахри, Пятницкое қабристони.

Чиқарилиш сабаби: жароҳатлардан вафот этди.

Олиб кетилган вақти: 03/11/1943. Бирламчи дафн этилган жойи: Тула вилояти, Калуга тумани, Калуга шахри, Пятницкое қабристони.

Бошқа архив ҳужжатида Отажоновнинг исмдоши Отажонов Ибодулла, (туғилган йили ва жойи, қайси ҳарбий комиссариатдан қақирилгани – номаълум), Қизил армия аскари, 1944 йил 26 январда ҳалок бўлган ва Россиянинг Новгород вилояти, Теребутици қишлоғи яқинидаги биродарлик қабристонида дафн этилган. Қолганлари Ибодуллох (Ибодулла) (11 киши) исмли исмдошлар, бошқа туғилган йиллари ва бошқа жойлардан, деб кўрсатилган.

Шимкент шахридаги Абай боғидаги “Шухрат” хиёбонида, Улуғ Ватан урушида қатнашган барча жанубийқозоғистонликларнинг исмлари мармар лавҳалар устига ўйиб ёзилган. У ерда Отажонов И.га тегишли иккита ўхшаш фамилия бор.

Н. МАВЛОНОВА.

»» Заковатли миллат

КИТОБ ЎҚИНГ, КАМ БЎЛМАЙСИЗ

Қорачиқ қишлоғидаги директор вазифасини вақтинча адо этаётган тажрибали устоз Асадулло Убайдулло ўғли раҳбарлик қилаётган “Қорачиқ” умумтаълим мактаби кутубхонасида ўтган китобхонлик байрамига бағишланган анжуман барча ўқувчи ва иштирокчиларда ажойиб таассурот қолдирди.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти саъй-ҳаракатлари билан бир неча йил муқаддам янги китоблар тақдим этилган кутубхонамиз жамғармаси ҳимматли инсонлар ташаббуси билан яна бир бор бойиди.



Тадбирда кўплаб китоблар муаллифи бўлган ҳимматли ҳамқишлоқ шоир ва ёзувчиларимиз Аширмат Толипов ва Қодир Аҳмедовлар ҳам иштирок эттишди.

Улар ўз ҳаёти ва фаолияти ҳамда ижоди ҳақида баён этиб, янги асарларидан намуналар ўқиб беришди. Ижодкор отахонлар матбуотда кенг танилган. Аширмат Толиповнинг “Она қарзи”, “Ўттиз олти қиз исми”, Қодир Аҳмедовнинг жамоат арбоби Эркин Жўрабековнинг тарихий хизматлари бағишланган Аҳмад Яссавий мақбарасидаги дошқозоннинг Эрмитаждан келтирилиши ҳақидаги достони барчамизда теран таассурот қолдирди.

Тезкор техника тараққиёти даврида маънавият, маданият, она тилимиз равнақи учун китоб ўқишга эътибор қаратишимиз зарур, доимо интернет ва уяли телефонга термулиб, вақтни беҳуда ўтказиш ёш авлод саломатлигига зарар эканлиги таъкидланди. Тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Малоҳат Қаюмова, физика ўқитувчиси Зиёдулла Солиев, шифокорларимиз ҳамда ўқувчилар ҳам бу фикрни тасдиқлашди. “Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг асоси” мавзусидаги тадбир китоб ўқишга қизиқишни янада кучайтиришга ҳисса қўшади.

Мактабимизнинг 10 нафар

ўқувчиси жорий йили 75 ёшга тўлаётган шоир, ёзувчи Қодир Аҳмедовнинг саъй-ҳаракатлари билан “Аура” компанияси хомийлигида “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасини ўқимокда. Келажакда мактабда “Ҳлес” хайрия жамғармаси раҳбари Райимжон Қўчқоров фаолиятдан ўрнак олиб, “Китобсеварлар клуби”ни ташкил этиш режамиз ҳам йўқ эмас.

Гавҳар АБСЕТОВА,
“Қорачиқ” мактаби
кутубхоначиси.

Тасвирларда: Қ. Аҳмедов кутубхонага китоблар тақдим этмоқда; тадбир иштирокчилари.

“УЙҒОН, ҚОЗОҚ!” ЛОЙИҲАСИ



Сариоғоч туман таълим бўлимига қарашли 74-умумтаълим мактабининг қозоқ тили ва адабиёти муаллими Дауренбек Нурқулов ўқувчилар учун махсус сайт очди. «Уйғон, қозоқ!» деб номланган лойиҳа билимга чанқоқ болаларни ўқиш ва билим олишга даъват этиш мақсадида яратилган.

Ёш ўқитувчи ушбу лойиҳанинг самарадорлигини “Иқтидорли ўқувчиларга – иқтидорли устоз” туман танловида ғимоя қилиб, амалда исботлади. Унинг айтишича, ўқувчилар таълим муассасасидаги муваффақиятларини китоб мутлоаси билан боғласа, ҳар томонлама ривожланади.

Лойиҳа мақсади – ўқувчиларнинг мутлоа маданияти даражасини ошириш ва уларнинг фаоллигини юксалтириш, ёш авлодда маънавий ва ахлоқий қадриятларни шакллантириш, ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналар ўртасида таълим соҳаси қадрини ошириш.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

«Югурганники эмас, буюрганники?»

ёхуд ҳаракат ва тақдир ўртасидаги нозик чегара»

Ҳаётда ҳар бир инсон ўз орзу ва мақсадларига эришишга интилиб яшайди. Биров машаққат билан меҳнат қилади, биров эса мўъжиза кутади. Аммо кўпинча бир ибора қулоққа чалинади: «югурганники эмас, буюрганники бўлар экан». Бу жумла гўё инсон ҳаракатидан кўра, тақдирини устунлигини эътироф этаётгандек. Аммо шундай эмасми? Буюрилиши учун ҳам ҳаракат керак эмасми?

Ушбу ибора кўпроқ насиба, тақдир тушунчасини ифодалайди. Баъзида инсон қанча ҳаракат қилмасин, натижа кутилганидек чиқмайди. Бу ҳолатларда одам ўзини ожиздек сезади, унга барча эшиклар ёпилгандек бўлади. Айнан шундай пайтда «буюрганники бўларкан», дея ўзимизча тасалли берамиз.



Аммо чуқурроқ тафаккур қилсак, буюрилиш ҳам ҳаракатга боғлиқ эканлигини кўрамиз. Ахир Аллоҳнинг ўзи Қуръони Каримда марҳамат қилади: «Ҳар бир инсонга ўз қилганидан бошқа нарса йўқ» (Қуръон энциклопедияси). Бу оят бизга шуни англатадики,

ҳар бир муваффақиятнинг, ҳар бир насибанинг ортида меҳнат, сабр, тинимсиз изланиш ётади. Демак, югурмасдан, ҳаракат қилмасдан буюрилган нарсага эришиш ҳам қийин. Бу икки қараш орасидаги нозик мувозанатни топа билиш – доноликнинг белгиси. Ҳаракат қил, меҳнат қил, қалбингни, орзуларингни ишга сол, лекин натижани Яратгандан кут. Бу – чин иймоннинг белгисидир.

Хулоса ёрғида, ҳаёт бу ҳаракат билан насибанинг ўзаро уйғунлигидан иборат. Фақат ҳаракат қилганларгина мақсадига эришади. Шундай экан, ҳаракатда – баракад, деган фикрни юракдан ҳис қилайлик. Чунки ҳаракат – у бизнинг бурчимиз, натижа эса насибамиздир.

Номира ЖҲРАЕВА.

»» Хотирабод

Олис йўлга отланган йўловчи олдида турган мақсадига эришмоқ учун олға қадам босар экан, кундузи қуёш, тунда ой ҳамроҳлик қилишига ишонади. Ота-онанг ҳам бириси қуёш, бири ой мисоли йўлинг ёритувчи порлоқ чироқлардир. Мен бир йўловчи бўлсам, отамнинг дуолари шу чоққача ўт ўтмас қўргоним бўлиб келди. Баъзан сиқилсам, ёки бир муаммо қаршисига чиқсам, отам раҳматлик тушимга қиради. Уларнинг биттагина ишорасидан ўзимга яна йўл топиб оламан.

Порлоқ қуёшим

Бугун отам ҳақида ёзмокчи бўлдим. Қўлимга қалам, руҳимга илҳом берган нарса, у зоти бобаракотимнинг босиб ўтган йўллари, ибратли, эзгу амаллари ва юрагим буйруғи бўлди.

Мен оилада кенжа фарзанд бўлиб дунёга келдим. Отам ўттиз тўрт ёшида олти фарзандлик бўлган эдилар. Кечагидек ёдимда. Қўлимдан етаклаб биринчи синфга олиб чиқдилар. Мени юзларидан нур ёғилаётган ўрта бўйли, сочининг фарқи ўртадан очилган, қош-кўзлари қоп-қора аёл табассум билан кутиб олди.

Мактабга киргим келмай, отамнинг орқасидан эргашиб кета бошладим. Устозим ортимдан етиб олгач, бошимни силаб, қайтиб синф хонасига олиб кирмокчи бўлди. Қайсарлик қилиб туриб олдим. Шунда дадам раҳматлик:

– Зарифахон, ўқишга келса, бунга ҳар кун биттадан шоколад берасиз-а? – дедилар.

– Албатта, ҳар кун ширинлик бераман, – деди устозим.

Шу тариқа мактабда қолдим. Буни қарангки, раҳматли Зарифа олам ҳар кун қўлимга битта ширинликми, конфетми кўтариб келадиган бўлдилар. Ҳозиргача бағрикенг устозим ва ҳазилкаш отам кўз олдимга келса, қалбимни аллақандай эзгу ҳислар қамраб олади. Мактабда яхши ўқидим. Юқори синфга ўтганимда волейбол, футбол каби спорт мусобақаларига қатнаша бошладим. Биз мактабимиз шаънини ҳимоя қилардик. Жуда банд инсон бўлган отам, менинг ўйинларимни томоша қилиш учун етиб келар эдилар.

Отам кузатаётганини сезган ўсмир қалбим фахр-ифтихорга тўлар, янада яхшироқ уйнашга ҳаракат қилардим.

Мактабни олтин медаль билан тамомлаганимда отамнинг қувончи кечагидек кўз олдимда.

– Жавлоний, баракалла! – дегандилар бағрига босиб.

Кейин ўқишга кирдим. Бу пайтга келиб, Собик Иттифок парчаланиб кетган эди. Отам раҳматли мени йилгига икки минг доллар (АҚШ валютаси) тўлаб, қўшни мамлакат – Ўзбекистонда ўқитдилар. Бу отамга илм эшикларини очган Ўзбекистон Миллий университети эди. Мен ўзим севган соҳа – ҳуқуқшунослик бўйича таҳсил олдим.

Университетни қизил диплом билан тамомладим. Дипломим ҳимоясида эса отам ҳам қатнашдилар.

Кейин эса кўпгина истиқболли тақлифларни рад этиб, Турбатга қайтиб келдим. Бунинг сабаби эса...

Отам чин ватанпарвар инсон эдилар. Туғилган қишлоғини майда заррасидан тортиб, улкан тоғларигача бирдек севар эдилар.

Ўша кун аниқ эсимда. Элчихонага ишга борадиган илк куним. Отам оқ фотиҳа берди, аммо кўзларида қандайдир маъюслик бор эди.

– Сен ишга боравер, мен Турбатга кетмасам бўлмайди, – деди.

– Ота-боболарим ўтган юртсиз бир кун ҳам яшай олмайман.

Шу гапларни айтар экан, дадамнинг кўзи ёшланди.

Отам қаерда бўлмасин, бир кун ўтмай, туғилган қишлоғига етиб келарди. Ватан соғинч, умуман, Ватан ҳиссини отам Баҳодир Собит тимсолида яққол кўрганман.



Ўша кун дадам раҳматлик менга оқ йўл тилагач, йўлга отланди.

Кўнглим бошқача бўлаверди. Бир томонда яхши иш, бир томонда меҳрибон отамнинг дийдори.

– Исмоил отамга кетаман, Турбатни соғиндим, – деди отам эғнига костюмини иларкан.

Турмуш ўртоғим Муножот-хонга қарадим.

– Дадам билан кетайлик, – деди аёлим кўнгли бўлмай...

– Тухтанг, ада, сиз билан кетамиз, – дедим шошиб.

Дадамнинг кўзлари порлаб кетди.

– Тўғри қиласан, болам, Турбатга қайтамиз. Ёнимда бўласан, – дедилар қувониб.

Мен орзуларимни Тошкентга ташлаб, отам розилиги учун ота юртга қайтиб келдим. Ўшанда ўзини айбдор ҳисоблаган отам бечора «Мана кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади, сен отанг учун ёрқин келажакдан воз кечдинг», деб келган эдилар.

Мактабда директор лавозимида ишлаб юрарканман, ўзбек этномаданият бирлашма раислиги лавозимига таклиф этилдим. Ўшанда отам:

– Бу иш учун ҳеч қандай ҳақ тўланмайди, аммо, юрт-эл, миллат учун, ўзбек адабиёти ва маданияти учун ҳам кимдир жон қўйдириши керак. Эндан дуо оласан, болам, – деди. – Ватанимизнинг шарофтини, қишлоғимиз келажаги учун хизмат қиласан! – деган эдилар ўшанда.

Ҳозир маслаҳат депутати-ман. Эришган ҳар бир ютуғимнинг асосида ўша кун йўл бўйи далда бериб келган отамнинг дуоларини эслайман.

Отам тўй қилиш, меҳмон кутишни яхши кўрар, Шоҳжаҳон Жўраевнинг чин мухлиси эди. – Ўғлим, шу йил Жўшқинхўжага суннат тўй қилайлик, – дедилар.

Мен ҳали эрта эмасмикан, деб ўйладим, аммо отамнинг таклифига қарши чиқмадим.

Шоҳжаҳон Жўраев ўша тўйда отамнинг «Турбат таронаси» шеърини қўшиқ қилиб қуйлади. Дадам шундоқ ҳофизнинг ёнгинасида туриб сел бўлиб эшитар, дамба дам қўшиқчининг бошини силаб кўярди. Ватан ҳақида эди бу қўшиқ. Унинг ноларида Турбатнинг жўшқин сойлари, оқсоч тоғлари, яшил кенгликлари мавжланарди. Турбатликлар ора-орада завқланиб, ҳайқириб кўяр, кейин жим сел бўлиб қўшиқ тингларди. Отамнинг ўша ватансевар, юртпарвар, зиёли, бахтиёр чехраси сира кўз олдимдан кетмайди.

Мен отамнинг орзуси ушалганидан шод эдим. Орадан олти ой ўтиб, қиблагоҳим, суянган тоғим, ғамхўрим отам бу дунёни тарк этиб кетди. Худди сезгандек шошдилар. Мудом шошиб яшади отам. Кўп нарсаларга улгуриш учун, эзгуликларга эш бўлиш учун ошиқди. Дарёдек яшаб ўтди дарёдиларим.

Отам вилоят ижодкорларининг саралари бўлмиш – Ирисали Жуманов, Иброҳим Турқин, Зокиржон Мўминжонов, Ҳавазмат Қўчқоров, Мухтор Муҳаммедов, Собиржон Юсуфалиев, Абдурахим Пратов, Озода Аҳмедова, Шамсиқамар каби кўпгина шоирлар билан суҳбатда бўлишим, шу билан бирга этномаданият бирлашмаси ходимлари «Дўстлик»

ҳамжамияти аъзолари – Рўзакул Холмуродов, Фахриддин Қоратоев, Икром Ҳошимжонов, Раҳматжон Абдусатторов, Бадриддин Нишонқулов, Баҳодир Ирисметов, Нурхон Жамолова, Бегмат Турдиқулов каби инсонлар билан таништириб кетдилар. Уларнинг отам билан бўлган суҳбатларини эшитиб, ўзгача бир таъсирланар эдим.

Энди билсам, отам мени ижод аҳли билан яқин бўлишим, бирлашманинг фаолияти билан танишишимни истаган, келажакда амалга оширадиган ишларим пойдеворини қуриб бериб кетган экан.

Адабиётни севишим, шеъриятга ошнолигим – буларнинг барчаси отам меҳнатининг самарасидир.

Шу ўринда меҳрибон онажоним меҳнатларини ҳам айтиб ўтгим келди. Отамнинг доимо саришта, озода, қадди тик юришида онамнинг заҳмати, меҳнати яққол кўриниб турарди.

Отам иккиси юқорида айтганимдек йўлни қуёш ва ой мисоли тўғри йилни кўрсатиб, меҳр билан парвариш қилдилар. Бугун ўзим ҳам отаман. Турмуш ўртоғим Муножотхон билан беш фарзандни воёга етказиб келмоқдамиз. Болаларимга тарбия бера эканман, ўзим сезиб-сезмай, отамга тақлид қиламан.

Бугун Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Қозоғистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, асарлари ўзбек тилида таҳсил олувчи 5-7-8-9-10-синф ўқувчиларининг дарсликларига киритилган серқирра ижодкор Баҳодир Собит ижоди ҳар бир ўзбек хонадонига кириб борди десам, муболага бўлмас.

Мен шундай отанинг зурриёти эканлигимдан фахрланаман, ҳам катта масъулият ҳис этаман.

Отам бир шеърларида оналарини мадҳ этган эдилар, Бугун шу битикни сал ўзгартриб, тақдим этгим келди.

*Отам ҳаёт эдилар,
Қалбда баёт эдилар.
Мискин кўнглин овловчи,
Доно сайёв эдилар.*

Отам ҳам яхшилар кўнглини овловчи доно инсон эдилар. Ҳеч кимга зарра ёмонлиқни раво кўрмаган, топганини элига илинган саховатли инсон эдилар. Бу тантилик отамга жуда ҳам ярашарди. Шу билан бирга биз фарзандлар учун ибрат мактабини ҳам ўтарди.

Ҳозир қандай ишга қўл урмай, ортимда отамнинг муборак нафасини ҳис қиламан. Руҳлар мангу уйғоқ эканлигини биламан.

Отам севган қишлоғимда тонг отиб келмоқда. У бизга янги ҳаёт ваъда қилмоқда. Мен эса отам ижодхонасида ўтириб, ўз машқимга нуқта қўяр эканман, ич-ичимдан бир нарсани ҳис қилдим. Мен ака-опаларимдан кўра, бахтиёр-роқман, сабаби отам излари қолган шу муборак уйнинг чирроғини ёқиб ўтирибман...

Жавлон Баҳодир
ўғли СОБИТОВ,
ҚР халқи Ассамблеяси
аъзоси,
Қазигурт туман
маслаҳати депутати,
Қазигурт туман
ўзбек этномаданият
бирлашмаси раиси,
Туроб Тўла номли
умумтаълим
мактаби директори.

Аср ёшинг муборак, «Южанка»!



Олоғбайт

“ХАЛҚ АРО ЯХШИРОҚ, ДЕДИНГ, КИМДҮР?
ЭШИТИБ, АЙЛА ШУБҲА РАФЪ АНДИН.
ЯХШИРОҚ БИЛ АНИ УЛУС АРОКИМ,
ЕТСА КҮПРАК УЛУСҚА НАФЪ АНДИН”.

Алишер НАВОЙИ.

(Маъноси: “Одамлар ичида яхшироғи ким деб сўрадинг. сўзимни эшитиб, шубҳалардан халос бўл: одамларга фойдаси кўпроқ тегадиган кишиларни одамларнинг яхшироғи деб бил”).



Қадрдон кўшнимиз – ҳамкасб жамоа «Южный Казахстан» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси 1 май куни 100 ёшни қарши олмақда.

Шу муносабат билан Қозоғистон жануби ҳаётида бир аср мобайнида «порлаб» турган ушбу нашрнинг фаолиятига бугун ижобий чизгилар чизамиз, албатта.

Қисқача тарихи

На телевизор, на интернет, на уяли телефон, на бирорта кўнгилочар жойлар бўлмаган замонлар ҳам ўтди. Шунда одамлар фақат китоб, газета ва журналлар ўқирди, ижод, ахборот, янгилик, фан-техника, ихтиролар, шахслар... ҳамма-ҳамма маълумотларни даврий нашрлар орқали ўқиб-билишарди... Газетанинг нуфузи нихоятда кучли бўлган давр...

Шундай замонда жануб аҳолиси – 1925 йил 1 майда «Смычка» деган ном билан чоп этила бошлаган янги маҳаллий нашрнинг ихлосмандига айланди. Замона зайли билан «Правда в степи», «Правда Южного Казахстана» (1932 йил) деган номлар билан ўзгарган бу рўзнома 1964 йилдан буён «Южный Казахстан» номи билан муштарийлар ҳузурига етиб бормоқда.

Русийзабон нашр дастлаб нима ҳақида ёзган?

1925 йилги «Смычка»да Шимкент шаҳридаги завод-фабрикалар, ишлаб чиқарилаётган товар-маҳсулотлар, ишчиларга берилаётган насыллар, деҳқон-чорвадорлар ҳақидаги мақолалар ёритилган. Кичик ахборотларда ходимлари қишлоқлардаги артеллар, индустрия, жамоалаштириш даврини “очиё” беришган.

Газетанинг энг ёрқин даврлари Улуғ Ватан уруши йилларига тўғри келгани

ҳам маълум. 1941 йилнинг ёзидан у фуқароларнинг юксак ватанпарварлиги, бағрикенглиги ҳақида ёзиб, фронт ва фрон ортидаги ҳаётни мунтазам равишда ёритиб турган. Қаҳрамонларнинг жанговар фаолияти-ю, меҳнаткашларнинг заҳматлари билан узлуксиз таништириб борган. Урушдан кейин эса “Южанка” мухбирлари трестлар, йирик заводлар, йўллар, кўприклар қурилиши, умуман шўро саноати фаолиятини тинмай ёритишган. Одамлар уни ўқиб, биринчи Қозоғистон фосфорининг қазиб олингани-ю, дастлабки электротермик печи ҳақида маълумотга эга бўлган.

Спорт, маданият, таълим, тарих, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ҳуқуқ-тартибот, адабиёт, таҳлил, танқид, хуллас, барча соҳаларда ёрқин, ўткир ва долзарб мақолалар ёзиб, мухлислари қалбидан ўрин олиб келган. У Жанубий Қозоғистон аҳолисининг яқин дўсти эди. Ўз вақтида 104 минг нусха билан чоп этилган. Агар раҳбарлар чиқиш қилсалар, уларнинг мурожаатларини газета саҳифаларида босиш учун жамоа уч кун ухламай ишларди... Рекламага битта хато учун мухбир ишдан кетадиган, доимий назорат – қатъий цензура даврини ҳам бошдан кечирди у.

Ушбу нашр нафақат минтақа тарихини яратишда фаол, балки вилоят иқтисодиёти, маданияти ва қўндалик ҳаётини келажак авлодлар учун ўчмас воқеа-ҳодисалар билан қолдиришда ҳам ҳиссаси бекиёс.

Юз ёшли газетанинг бош муҳаррири Марина Лимаренкога саволлар билан мурожаат қилдик.



– Қозоғистондаги таниқли тарихий нашрлардан бирининг раҳбари сифатида бу шонли воқеага муносабатингиз?

– 100 ёшли газета, бу ноёб тарих, албатта. Ушбу нашрда бир аср давомида чоп этилган мақолалар, ахборотлар, суратлар не-не муаммо ва масалаларнинг ҳал қилинишига, камчиликларнинг тузатилишига ёрдам берди. У ҳар даврда вилоятнинг кўзгуси, тарғибот курули бўлиб хизмат қилиб келди. Биз “Южанка” вакиллари – ўзимизни бахтли ҳисоблаймиз. Сабаби, елкамиздаги юк, жимамиздаги масъулиятни ҳис этган ҳолда не-не замонларнинг янги нафасини ёритиб келганимиз ва келмоқдамиз...

– Газета раҳбари бугунги қайси ютуқларини санай олади?

– Жамоани бошқариб келаётганимга 16 йил бўлса, бор куч-ғайратим, билим-иқтидоримни унинг сермазмун, ҳар бир сони ноёб манба сифатида чиқиши учун сафарбар этмоқдаман. Мен учун журналистларнинг касбий малакаси, замонавий билимларга эга бўлиши ўта муҳим. Раҳбар сифатида шу қирралар ривожини билан мунтазам ишлайман. Кейин жамоа бошлиғи – устоз ҳамдир. Бугунги раҳбар кўли остидагиларга барча шароитларни яратиб бериши шарт. Аҳил жамоа билан маслаҳатлашиб, 100 йиллик тўйимизни қандай ўтказишни йил бошидан келишиб олдик. Асосийси, қизиқarli ва мазмундор мақолалар туркумини узмай бериб борамиз. Алоҳида ва махсус тадбирларимиз кўп...

– Аввал ўзингизни, кейин етакчи мухбирларингизни таништириб ўтсангиз...

– Аср давомида не-не забардаст мухбирлар, ижодкорлар фаолият юритмади, дейсиз бу даргоҳда. “Южный Казахстан” вилоят газетасига ишга келган куним худди кечагидек ёдимда. Бу нашрни болалигимдан севиб ўқиганман. Бува ва бувим ҳам уни нихоятда қадрлашарди. Бир куни газетадаги эълонга кўзим тушди: “Тахририятга мусахҳиҳ керак!”. Бахтимни синаб

кўришга қарор қилдим. Мактабда аълочи эдим, лекин рус тилини тегшли даражада, яъни, барча мураккаб қонун-қондаси билан мукамал билмасдим, албатта. Котибиятда масъул котиба Екатерина Чирва янги сонни кўлимга тутқазди ва “Ўқиб чиқ ва орфографик, имловий хатоларни топ”, деди. Қийналиб синовдан ўтдим, лекин мени ишхонада, “захира”га олиб қолдишди...

Тақдир тақозоси билан шу даргоҳда қолдим ва бу жой менинг илк ва ягона иш жойим бўлиб қолди. Нашр бош муҳаррири Юрий Кирихин менга қараб, бўлгуси газета ходимасини тез англади ва ишга бажонидил қабул қилди. Устозим кўп нарсга ўргатди, ундан умрбод розиман. Малакали ҳамкасбларимдан ҳам бениҳоя мамнунман. 30 йил тез ўтиб кетди. Тахририятда мен шахс, касбий, раҳбар сифатида шаклландим. Газетани танлаганимдан ҳеч афсусланмайман.

Унинг тарихий дарғалари орасида очерклар устаси И. Кунгурцев, шеърият – В. Грозний, жиддий сиёсий мақолалар – Г. Голубев, ҳажвия бўйича – А. Андроновларни эслаш мумкин. Марҳум журналист, тарихчи, улқашунос, педагог ва хонанда Кенес Исмаиловнинг охирати обод бўлсин.

Вилоят ҳокимининг “Олтин қалам” мукофотининг уч бор соҳибаси – Нина Казорина. Архивлар билан ишлашда, тарихий мақолалар ёзишда пешқадам Людмила Ковалёва, 35 йилдан буён ҳуқуқий мавзуларни бенуқсон ёзиб келаётган Татьяна Корецкая, фаолларимиздан медиация бўйича – Татьяна Бурдель, собик полициячи Игорь Лунин, реклама устаси Зинаида Шинжирбаева, моҳир мусахҳиҳа Разия Бултачеева, долзарб мақолалар устаси Ирина Притула, таржимон журналист Салтанат Абдижаппарова, мухлислари кўп Берик Мўнтаев, серқирра ижодкор Владимир Привалов ... Рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

– “Южанка” тинмай турли тадбирлар ҳам ўтказиб туради...

– Нашрдаги иловалар, том маънода, «тимсолимиз»га айланган. «По городам и аулам», «О жизни на селе и в районах области», «Умники и умницы», «Газета для интеллектуалов», «Молодёжка», «Ярмарка вакансий», «Мир юриста» ва «Шанывақ» янги билимлар, тафаккур манбаидир. Ҳар йили “Масленица”ни ўтказамиз. Ёш санъаткорлар иштирокида “Казахская романсиада” халқаро танлови, “Детская Романсиада” каби лойиҳаларимиз машхур. “Играй, гармонь!” фестивали миллий қолғу асбобларини элга танитиб келади. Ўқувчилар ўртасида алоҳида мавзулар бўйича адабий танловлар, “Новое поколение” олимпиадаси эса ўлкашуносликка, тарихга бағишланган.

Ҳа, бугун шундай серқирра нашр 100 ёшда. Тўғри, бугун интернет, сунъий заковат даври. Газета қадри кечагидек эмас. Бироқ, ҳеч қандай интернет-нашр оддий қозғоздаги, босма турдаги рўзнома ўрнини боса олмайди. Ўқувчи уни қўлида ушлаб, яқиндан мутолаа қилади, шунча заҳматкашнинг пешона тери тўкилган, кўзи нури сафқ этилган, меҳнат маҳсулини, жонли мулоқотни, албатта, ҳис этади. Мана бу ҳақиқий кўприк, ҳақиқий мулоқот. Табиийки, буни ҳеч бир машина, ҳеч бир техника бера олмайди.

Дўстимиз, ҳамкоримиз 100 йиллик айёмини нишонлаётган “Южный Казахстан” газетаси жамоасини чин дилдан қизгин муборакбод этамиз! Ўткир сўзлари, мустаҳкам ва долзарб мақолалари, таҳлилий-танқидий асарлари, тилишунослик ва журналистика соҳасига, минтақанинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, тараққиётига қўшаётган ҳиссаси баракали, бардавом бўлсин, деймиз. Мустақил Қозоғистоннинг бахтли ва фаровон келажаги ўйлидаги фаолиятига омад ёр бўлсин!

Н. МАВЛОНОВА.

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

- АФСУСЛАР БЎЛСИНКИ, АҚЛЛИ ОДАМЛАР ОЛИЖА-НОБЛАРГА ҚАРАГАНДА ЖУДА КЎП УЧРАЙДИ.
Борис ПАРАМОНОВ.
- ЙИҚИЛГАННИ УРИШ ЯХШИМАС. АММО ХАТАРСИЗ.
Анжей СТОК.
- КЎР БЎЛСАНГ ҲАМ КЎРНАМАК БЎЛМА.
Бобур БОБОМУРОД.

ДОНОЛАР МАҚТАНЧОҚЛИК ҲАҚИДА

- Мақтаниш – лўнда қилиб айтадиган бўлсак, мен сендан яхшиман дегани.
БУАСТ.
- Ўзини биладиган кишилар орасида мақтаниш – ўзини кулгига қолдиришдир.
ЭЗОП.
- Мақтанчоқлик қарилкнинг биринчи белгисидир.
Ўткир ҲОШИМОВ.
- Хизмати кам кишининг мақтовга эҳтиёжи кўп бўлади.
ПЛУТАРХ.
- Хизмат қанча кам бўлса, мақтов шунча баланд бўлади.
Френсис БЭКОН.
- Нолойиқ мақтов – яширинча сатира.
БРЕДХЕРСТ.

АЗИМ СУЮН ҲИКМАТЛАРИ

- Давлатнинг асоси на ер, на сув, балки халқдир!
- Барча мамлакат ва минтақалар билан алоқа қилиш мумкин, аммо уларга қарам бўлиб қолмаслик йўқ!
- Эрк тақчил жойда ҳамма нарсга тақчил! Ҳамма нарса давлатники, дейилган ерда халқ юпун, қашшоқ, гадо! Шахсий манфаат бўлмаган жойда юксалиш, тараққиёт йўқ!
- Ҳақиқат – куч, аммо куч – ҳақиқат эмас!
- Сўз – томчи. Томдими, ёйилиб кетади!
- Тарих халқ зиёлиларининг виждони билан ёзилади.
- Бугун ёнимда дўстим ўтирибди. Эртанги душманим билан суҳбат қураётган бўлсам, не ажаб!
- Тилсиз халқ – чироғи ўчган халқ.
- Ўзинг кўзини очган булоқнинг суви ширин.

ГОРАЦИЙ ҲИКМАТЛАРИ

(Милоддан аввал 65-8 йилларда яшаган Рим шоири)

- Агар дўстинг сенинг букрингни сезмасин десанг, ўзинг унинг сўғалига эътибор қилма.
- Айбсиз киши йўқ. Бизларнинг орамиздаги энг яхши киши камчилиги ками.
- Бойлик ошган сайин ташвиш ҳам ошади.
- Бўри тиши билан, ҳўкиз шохи билан хавфли.
- Ифлос идишга нима қуйсанг ҳам ачийди.
- Пул уни йиққан кишига ё шох, ё кул.
- Ҳаммамизнинг борадиган манзилимиз бир жой.

Табобат

«ҲАР КУНИ БИТТА ОЛМА ЕСАНГИЗ, ШИФОҚОР ОЛДИГА БОРИШГА ҲОЖАТ ҚОЛМАЙДИ», ДЕЙИШАДИ ИНГЛИЗЛАР.

Чунки 1 дона олма соғлом бўлишингизга катта ёрдам беради. Зеро, 45 ккал эга бўлган (100г) олма таркибида 45 мг калий, 6 г углевод, 1-2 г клетчатка, маълум миқдорда кальций, темир, натрий, фосфор, фолат кислотаси, А, В, С, РР витаминлари, оксил мавжуд. Агар олмага қўшиб 5-6 дона уруғини ҳам есангиз, суткалик йод миқдорига эга бўласиз.

Яна бир қизиқ маълумот: 1 дона олма инсон ҳаётини 15 сонияга узайтиради!

4та МЕВА БИЛАН 4та КАСАЛЛИКНИ ДАВОЛАШ!

- Остеопорозни даволашда: майиз кўпроқ истеъмол қилин!
- Ҳаддан ташқари чарчоқни енгиш учун: хурмо кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади!
- Подаграни даволашда: қуруқ олчани истеъмол қилин!
- Юқори қон босимни меъёрлаштириш учун: қуритилган ўрикни кўпроқ истеъмол қилин!

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.	Масъул шахслар: <i>Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22. Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42. Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90 Тулкибош – Мунира САҲДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71. Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97 Келес, Сарюғоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82 Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.</i>	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги. ● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллиф- лар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VРУ00022503 гувоҳнома берилган. “ERNUR-online” МББ Ўзбекистонда чоп этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават. Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66. +7778-618-39-05 Электрон почта: janubiy@inbox.ru
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРОНБОВЕВ.			Нашр кўрсатиши – 65466. Адади – 11400 нуска. Бирорча: 957.
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.		Қозоғистон Республикасида тарқатилади.	Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.